

725.



24
(1342)-son
15-iyun
2018

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ

СОНДА:

ИННОВАЦИЯ

"Алоқабанк"
Ўзбекистонда
биринчи бўлиб кобейдж
карталарини муомалага
чиқаради **3-бет**

ОБОД ҚИШЛОҚ

Олтиариқ: ушалавер,
оппоқ орзулар! **4-бет**

ICTWEEK

UZBEKISTAN 2018

С 17 по 22 сентября
пройдёт очередная
Неделя инфор-
мационных
технологий **6-бет**

ТАҲЛИЛ

Кенг имкониятлар
телевидениеси **8-бет**

ШАХСИЙ ФИКР

Хусусий ТВ
каналларига
бир назар **9-бет**

МАСЛАҲАТ

Қизиб кетган ноутбун
ўчиб қоляпти: нима
қилиш керак? **11-бет**

МУТОЛАА

Сирли клуб
(Детектив) **14-бет**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛОВЧИ ПЕНСИОНЕРЛАР Сони ҚАНЧА?

2018 йилнинг 1 май
ҳолатига кўра:
Ўзбекистонда пенсия
ва нафақалар
олувчилар сони

3,3 миллион
кишидан ошади.
Шундан

103,1 минг

киши ишловчи
пенсионерлар
ҳисобланади.



ТАТУДА БИРИНЧИ ИЛМИЙ МОБИЛ АЛОҚА ОПЕРАТОРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Кеча, 14 июн кuni Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида "Билайн" компанияси ҳамийлигида ташкил этилган замонавий мобил алоқа технологиялари ўқув лабораториясининг тақдимот маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лиги ҳамда "Beeline" компанияси раҳбарияти, қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. "Beeline"нинг Тошкент ҳудудий филиали мутахассислари ТАТУ талабалари билан биргаликда синобли алоқани амалга оширдилар ва таянч станцияларини ишга туширдилар. ТАТУ талабалари энди "Beeline"дан "TUIT Mobile"нинг янги технологик ла-

бораториясида уяли алоқа операторлари ускуналари билан ишлашни ўрганиш имкониятига эга бўлди. 3G ва 4G тармоқларида махсус ўрнатиладиган таянч станциялар ёрдамида талабалар ТАТУнинг асосий биноси ҳудудида реал вақт тартибда мобил алоқа фаолиятини мустақил равишда таъминлай олишади.

2-бет ▶

▶ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

АХБОРОТ НИМА УЧУН МУҲОҒАЗА ҚИЛИНАДИ?

Ҳар қандай давлатнинг ахборот ресурслари унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини белгиловчи омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу ресурслар самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятни муваффақиятли шакллантирилишини таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашинув тезлиги юксалади, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор технологияларни қўллаш кенг кўламда амалга оширилади.

Бугунги кунда ахборотлашган жамият тезлик билан шаклланиб, ахборот дунёсида давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳудудий жойлашишдан қатъи назар, кундалик ҳаётимизга интернет орқали турли ахборотлар кириб келяп-



ти. Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва ўзгартириш, йўқотиш каби муаммолардан ҳимоя қилиш долзарб масала бўлиб қолди.

Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси давлат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, ахборотни муҳофаза қилиш эса давлатнинг бирламчи масалаларига, давлат сийосати даражасига айланмоқда.


7-бет ▶

▶ Реклама

ALSKOM
SUB'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИИ

ИПОТЕКА СУҒУРТАСИ

Тел.: 147-11-00
Факс: 147-22-00
www.alskom.uz



ТАТУда БИРИНЧИ ИЛМИЙ МОБИЛ АЛОҚА ОПЕРАТОРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

◀1-бет.

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилайётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 июн кунлари Фарғона вилоятида бўлди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни 12 июн — Россия куну билан ҳамда Филиппин Республикаси Президенти Родриго Дутертенни Филиппин мустақиллиги куну муносабати билан табриклади.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президентининг таклифига биноан 2018 йил 14 июн куну Москва шаҳрида футбол бўйича 2018 йилги жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида иштирок этди.**

► **Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хоржий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлардан табрик мактублари келмоқда. Жумладан, АҚШ Президенти Доналд Трамп, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Саудия Арабистони Подшоҳи, икки муқаддас масжид ходими Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла Иккинчи бин ал-Хусайн, Фаластин Давлати Президентини, Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси Маҳмуд Аббос, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Юсуф ал-Усаймин ўз табрикларини йўллади. Қутловлар келиши давом этмоқда.**

► **2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони имзолади.**

► **"Штерн" журналининг (Германия) интернетдаги саҳифасида ўзбекистонлик футбол ҳаками Равшан Эрматов ҳақида мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистоннинг 40 ёшли ҳаками ушбу юрт номидан учинчи бор Жаҳон Чемпионатиде иштирок этади, деб ёзади нашр.**

“TUIT Mobile” талабаларга бугунги кунда энг етакчи мобил алоқа операторлари ишлатадиган асбоб-ускуналар билан ишлаш имконини беради.”



Ушбу корпоратив лабораториянинг ташкил қилиниши нафақат университет учун, балки мутахассислар учун очиқ майдон шароитини яратиб берадиган катта имкониятдир. Университетнинг назарий асослари илғор ишлаб чиқариш амалиётидан орқала деган фикр бор, бироқ “TUIT Mobile” талабаларга бугунги кунда энг етакчи мобил алоқа операторлари ишлатадиган асбоб-ускуналар билан ишлаш имконини беради. Яъни, эртага уяли алоқа компанияси ходимига айланган университет битирувчилари кўшимча малака ошириш курсларисиз ўзларига таниш бўлган дастурий комплекслар билан ишлаш оладилар.

— ТАТУ ва “Beeline” компанияси кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келади, — дейди университет ректори Тулқин Тешабоев. — Ушун йили компания томонидан янги талабалар тураржойи совға қилинган эди. “Учинчи авлод” дастурида ҳам фаол ҳамкорлигимиз давом этмоқда. Албатта,

биз учун бу нафақат янги авлод мутахассисларини тайёрлашда кўшимча ресурслар олиш имконияти, балки иқтисодиётнинг истикболли соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган инновацион, замонавий университетга айланиш йўлидаги вектордир. “Unitel” МЧЖ техник йўналишдаги мутахассисларининг 30 фоизга яқини ТАТУ битирувчилари экани университет нафақат таълим пойдевори, балки энг йирик уяли алоқа операторининг мутахассис кадрлар ўчоғи таркибига киришини кўрсатади.

— Бугун биз “Beeline” тармоғида ишлатиладиган ускуналарга асосланган ҳудуддаги биринчи мобил алоқа операторининг ишга туширилганига гувоҳ бўлдик, — дейди мазкур лойиҳа ҳақида “Beeline Uzbekistan” бош директори Дмитрий Шуков. — Бошқача айтганда, бу ўқув ёки тестлаш қурилмаси эмас, балки тўлиқ технологик қурилма ҳисобланади. Биз, албатта, қурилмаларни ўрнатиш билан чекланмаймиз. Биз учун бугунги кун-

да университет билан ҳамкорликнинг янги саҳифаси очилмоқда. Биз мунга асосда III ва IV босқич талабларини бу қурилмаларда ишлашга ўргатиш ва кейин “Beeline” корхонасида ишга жойлаштиришни режалаштирганмиз. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳамкорлик бирданига иккита масалани ҳал этишга имкон беради: бизга олий ўқув юртидан кейин ёш мутахассисларни қайта тайёрлаш зарурати бўлмайди, ТАТУ эса ўз битирувчиларини таълим тугаши билан ишга жойлаштиришни таъминлайди ҳамда меҳнат бозоридеги рақобатбардошлигини сезиларли оширади.

ТАТУ раҳбариятининг сузларига кўра, лаборатория телекоммуникациялар йўналиши бўйича таҳсил олаётган барча талабалар учун амалий ўрганиш жойи бўлиб қолади. “Beeline” мутахассислари билан машғуллар эса лаборатория ишлари форматиде бўлиб ўтади.

Фулмонжон НАЗАРОВ,
ТАТУ талабаси



Суратларда: Тақдирот маросимдан лавҳалар.

АКТ ВАЗИРИНИНГ “FACEBOOK”ДАГИ САҲИФАСИ РАСМИЙ МАҚОМГА ЭГА БЎЛДИ


Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Аҳмедхалжаевнинг “Facebook” тармоғидаги саҳифаси расмий мақомга эга бўлди. Бу ҳақда вазирлик ахборот хизмати хабар берди.

Ижтимоий тармоқдаги саҳифа кузатувчилари билан виртуал мулоқот ўзаро ишончли ахборотга асосланади. Фойдаланувчилар тасдиқланган саҳифа орқали вазир фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги расмий янгилликларни бевосита кузатиб боришлари

мумкин.

Шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг саҳифасига расмий мақом берилган.

Саҳифанинг расмий мақомга эга бўлиши сохта профиллар ҳамда ёлгон хабарлар тарқалишига чек қўяди, маълумотларни тез ва осон ажратиб олишга хизмат қилади. “Facebook” тармоғининг қидирув тизими фойдаланувчига калит сўзлар бўйича биринчи бўлиб тасдиқланган саҳифадаги ахборотларни тақдим қилади.



“Facebook” 2013 йилнинг май ойидан бошлаб йирик аудиторияга эга давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, раҳбар ва сиёсатчилар, таниқли шахсларга кўк рангли тасдиқ белгисини бериб келади.

UZ доменлари сони 60 мингдан ошди

UZ миллий домен ҳудудида рўйхатдан ўтказилган доменлар сони 60 мингдан ошди.

2018 йил бошидан буён жами 13 341 домен рўйхатдан ўтказилган бўлса, 5315та домен номлари мудлати туаганлиги тўғрисида тизимдан ўчирилган. Йил бошидан буён ўсиш кўрсаткичи 5,4 фоизни ташкил қилган.

Энг кўп доменлар SUVAN NET рўйхатдан ўтказувчиси томонидан қайд этилган.

ИННОВАЦИЯ

“АЛОҚАБАНК” ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ КОБЕЙДЖ КАРТАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРАДИ

Жорий йилнинг май ойида Ягона умумреспублика процесинг маркази (ЯУПМ) ва АТ “Алоқабанк” раҳбарияти Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида жойлашган China UnionPay компаниясининг Бош офисига ташриф буюришти. Учрашув натижаларига кўра, ЯУПМ ва UnionPay International ўртасида кобейдж карталарини муомалага чиқариш бўйича келишув имзоланди. Кобейдж карталари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банкнинг белгилаб олинishi ушбу келишувнинг муҳим бандларидан бири бўлди. Натижада иккала тарафнинг қарорига кўра ҳар икки тўлов тизимининг аъзоси бўлган АТ “Алоқабанк” ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк сифатида танланди. Шу билан бирга, АТ “Алоқабанк” Ўзбекистонда биринчи бўлиб кобейдж карталарини муомалага чиқариш шарафига муяссар бўлди.

Ўз ўрнида UnionPay International ва АТ “Алоқабанк” ўртасида UnionPay карталарини муомалага чиқариш юзасидан келишув имзоланди. Банк томонидан чиқарилиши режалаштирилган кобейдж карталари барча замонавий талабларга мос бўлган бевосита контактсиз тўловларни амалга ошириш имконини берувчи NFC чипи билан жиҳозланди.



Кобейдж карталарининг афзалликлари:

■ миллий валютадаги (иш ҳақда доирасидаги) картадан чет элда фойдаланиш имконияти мавжуд;

■ чет элга чиқаётганда миллий валютани хоржий валютага конверсия қилиш зарурати йўқ;

■ пул ўтказмаларини имтиёзли (нисбатан пастроқ) тарифларда амалга ошириш мумкин;

■ ҳар икки тўлов тизимида мавжуд бўлган имтиёزلардан фойдаланиш имконияти яратилади (онлайн тўловлар, миջозларни рағбатлантириш тизимлари).

Маълумот учун:

Кобейдж карта — Ўзбекистон Республикасидаги ваколатли банклар томонидан эмиссия қилувчи UzCard ва UPI тўлов тизимларининг ҳамкорликдаги картаси бўлиб, ундан ҳар иккала тўлов тизимининг инфратузимида фойдаланиш мумкин. Кобейдж карта миллий валютадаги (сўм) ягона ҳисобраҳамга боғланган бўлиб, сўмини АҚШ долларига бир зумда автоматик равишда конвертация қилиниши аъзага унинг сақловчисига чет элда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини яратди.

UnionPay International (UPI) China UnionPay компаниясининг шўъба корхонаси бўлиб, UnionPay тўлов тизимининг Хитой Халқ Республикасидан ташқаридаги фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Бутун дунё бўйлаб 1 700та молиявий институтлар билан ҳамкорликда UPI дунёнинг 168та мамлакатда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш ва нақд валюта маблағларини ечиш имконини беради. UnionPay карталари дунёнинг элликка яқин мамлакатда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам эмиссия қилинади.

Ўз мухбиримиз

“UnionPay International ва АТ “Алоқабанк” ўртасида UnionPay карталарини муомалага чиқариш юзасидан келишув имзоланди.”

ОГОҲЛИК

“UZMOBILE” АБОНЕНТЛАРИГА ФИРИБГАРЛАРНИНГ ОММАВИЙ ҲУЖУМИ КУЗАТИЛДИ

Фирибгарлар “Uzmobile” миллий оператори абонентларини кўнғироқ ва SMS-хабарлар билан безор қилди.

“Хурматли абонентлар! “Uzmobile” абонентларига фирибгарлик кўнғироқлари пайдо бўлгани муносабати билан +882337111* ёки +881* префиксли ўтказиб юборилган кўнғироқлар ва SMSларга жавоб бермасликни, шунингдек, SMS ва кўнғироқларга руҳсат сўров-

чи мобил дастурларни ўрнатишда хушёр бўлишни сўраймиз”, — дея огоҳлантирди компания.

Мазкур янгилик ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокама қилинди. Фойдаланувчилар фирибгарлар кунига 3тадан 10 мартагача кўнғироқни амалга ошираётгани, телефонни олганда эса ўша заҳоти уни узиб қўяётганини билдирган.

“Бу фирибгарликнинг таниш

кўриниши. Улар сиз шу рақамга кўнғироқ қилишингизни кутади, жуда узоқда рўйхатдан ўтган ва барча пуллариңизни сугуриб олади”, — дея изоҳлаган фойдаланувчилардан бири.

Ушбу нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида “Uzmobile” миллий алоқа оператори +882 префиксидан кирувчи ва чиқувчи кўнғироқларнинг барчасини вақтинчалик тўхтатиб қўйди.

“Хурматли “Uzmobile” абонентлари, шунинг маълум қиламизки, фирибгарлардан сизга келиб тушаётган + 882* префиксли номаълум кўнғироқларни бартараф этиш мақсадида тегишли хизматлар томонидан чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда +882 префиксидан кирувчи ва чиқувчи кўнғироқлар вақтинчалик тўхтатиб қўйилган”, — дея хабар берди компания матбуот хизмати.



Олтиариқ: УШАЛАВЕР, ОППОҚ ОРЗУЛАР!

Олтиариқда “Обод қишлоқ” дастури бўйича амалга оширилган ишларни ўз кўзим билан кўриш учун йўлга чиқдим. Автобус ойнасидан атроф-оламни кузатиб борарканман, бир воқеа ёдимга тушди. Тошкент – Фаргона таксисидида бир “россиячи” бола шундай деганди: “Опа, мен ўша ўзга юртларда мусофирчиликда топганимни, астойдил ишласам, шу ерда ҳам топардим. Лекин бизда тadbirkорларга кун йўқ. Бир аjoyиб ишга қўл урсак, мингта тўсиқ қараб туради. Ўзим тирик мисол. Икки йилча тadbirkорлик қилдим. Ҳали униси келади, ҳали буниси келади, йўқ жойдан камчилик топади. Хулласи калом, кўз очирмайди. “Тўсиқ”лар алами жондан ўтиб кетди. Бор-е, деймда яна “Россия қайдасан? Меҳнат қайдасан?” дея қайтиб кетипман...” Унинг ҳасратларидан ўт чиқади. Менда бир тайинли далла йўқ. Балки қонуналарни, ҳуқуқларингизни билмаган чарқисиз, дейишимни биламан, шунақа тутаб кетдик, асти қўяверасиз. Бу воқеага беш йил бўлди. Ўтган йили юртимизда тadbirkорлик учун кенг имкониятлар ва эркинликлар яратилганда ўша ўттиз беш ёшдаги оловқалб тadbirkорини эслаган эдим. У қайтдимкин? Қайтган бўлиши керак. Ёнимда ўтирган аёллар саломида ишлайдиган кўҳликки-на жувоннинг айтишига қараганда, Олтиариқнинг икки азамат тadbirkори Россиядан қайтиб келиб, бири каттақон бозор, бири эса қандайдир фирма очётганмиш...

Олтиариқ телекоммуникациялар боғламасида мени бошлиқ Бунёдjon Розиков кутиб олди ва биз ҳаётбахш дастур асосида Полосонда тўртта, Тинчлик ва Қапчуғайда учтадан МФЙларда амалга оширилган хайрли ишларни кўргани отландик.

Бу учала қишлоқни илгари кўргансиз, ҳозир борайлик мутлақо бошқача – танимайсиз, – дейди Бунёдjon ҳаяжон билан.

Шу ўринда айтиш керак, Бунёдjon ҳам асл олтиариқликларга хос табиатли инсон. Филал директори Владимир Ежков таъкидлаганидек, “Боғлама раҳбарлигини ҳам, деҳқончилигини ҳам дундирадиган меҳнаткаш алоқачи”. Ун беш йиллик фаолияти мобайнида филиалнинг барча жабҳалари қозонида қайнаб, заҳматларини тотиб кўрган.

(Репортаж)



– Биз алоқачилар кўшган ҳисса дарёдан бир томчи. Икки оғиз тўхталсангиз бўлгани, – дейди у. – “Сувоқова”, йўл қурилиши, электр ва газ тармоқлари каби корхона ва ташкилотлар, кўплаб тadbirkорлар зиммаларидаги ишларни ёруғ юз билан адо этишча муваффақ бўлдилар. Хув ана, янги бўёқланган кўп қаватли уйлари, хусусий уйлар ва дарвозаларни кўринг, янги қурилган дейсиз. Кўчалар ҳуснини бузиб турган айрим иморатлар замонавий ҳолатга келтирилди.

Чиндан-да шундай. Манзарали дарахтлар кўрки, ранго-ранг гуллар тароватидан кўнгиллар қувнади. Қапчуғайда пештоқига Президентимизнинг “Кегажак боғчадан бошланади” деган сўзи ёзилган муҳташам боғчани босиб ўтиб кетолмадик. Мактабгача таълим муассасаси мана мундоқ бўлибди! Ташқари фасад ҳам, хоналар ҳам замонавийлик билан миллийлик уйғунлаштирилган ҳолда безатилган. Ярқ этган ёруғлик ва ўзгача бегубор оламининг битмас-туганмас шодликлари дилмни камраб олди. Бу ошиёнда Ўзбекистоннинг бўлғуси буюк алломалари илк таълим-тарбияни оладилар. Зотан, бу тарбия ва парварिश маскани шу улўғ мақсадларда бунёд этилди. Мана шу беқиёс ақли болалар боғчаси ҳадемай 140 нафар болажонларимизни бағрига олади. Ахборот технологиялари хонаси 20та “Биларжон” компютери билан жиҳозланибди. Столчоқа стулчалар, кроват-

чалар, матрашлар, кўрпа-ёстиқ жилдлари – ҳамма-ҳаммаси яп-янги ва болаларнинг мусаффо дунёсига монандлиги айниқса таҳсинга лойиқ. Хоналар ҳар бири ўзига хос, бири-бирини такрорламайди. Санузелларнинг, ҳаво тозаловчи қурилмаларнинг ҳам энг сифатлиси ўрнатилган.

– Бу кошонанинг ҳозирги ҳусни жилосидан бениҳоя ҳайратламан, – дейди тарбиячи Санобархон Мадаминова. – Бу боғчада ишлашимни ўйлаб бир фахрлансам, бир масъулиятининг оғир юки босяпти. Энди аввалгидан юз бора кўпроқ изланиб фаолият юритишим, ота-оналар ишончини оқлашим керак.

Боғчага давлат ИХХ томонидан йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун бежирим майдонча қуриб берилгани жуда соз бўлибди. Ҳовлида эса “Қачон қабул бошланади?” деб келган ота-оналарни учратдик. Қабул эса маълум: Ягона портал ва давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

– Қапчуғайда тикувчилик фабрикаси иш бошлади. Ана, қаранг, қаровисиз ётган бино кўрса кўргудай фабрикага айланди, – дейди Бунёдjon хурсанд оҳангда. – Сабринсо оламиз юз нафар аёлни ишли қилиш ҳаракатида. Юзта оила турмуш сифати яхшиланади деганида бу, опа. Тўғрими?

– Бўлмасамчи, оила нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам бойиши табиий.

– Дўстлик МФЙда ичимлик сув келтирилганидан Кармак кўчаси яшовчилари қувончидан гапирайми, маҳаллада 86-Оилавий поликлиника қурилганидан севинчи ичига сизмаётган аҳолидан гапирайми, – давом этади Бунёдjon. – 1,5 км. йўлга асфалт қопланди. Беруний МФЙ аҳолиси ҳам бир гузарда тикувчилик, яна бир гузарда “Акфа” эшик ва ромлар ишлаб чиқарувчи цехлар ишга тушаётганидан мамнун. Иш жойлари яратилмоқда. Одамларнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлмоқда. Чорак аср муқаддам қурилиши зарур бўлган стадион қурилиб битказилганига, футбол ишқибозларининг орзулари ва ниҳоят амалга ошганига нима дейсиз. Бу “Имкон” стадионида футбол мактаби, спортзал иш бошлайди.

Сафарда ёқимли таассуротлар кўп бўлди. Эсда қоларли суҳбатлар ҳам. Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида узоқ йиллар ишлаб кексалик гаштини сураётган Гулнараҳон Мамутованинг кўтаринки кайфияти беҳад таъсирланарли эди: Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик изҳор этиб хат ёзмоқчиман. Маҳалламиз шунчалар ободонлаштирилиши ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Бозорча, боғ, ана, неварларим ўйнаётган аттракционлар... Ана, заводимиз қайталан барпо қилган ҳашаматли маланият уйи. Энди уни “Санъат саройи” дерканмиш...

Ҳа, ободлик ишларини санаб алогига етолмайсиз. Йигирман нафар имконияти чекланган аёл ҳам ишли бўлгани, камҳарж оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилгани, ноғиронларга аравачалар тақдим этилгани... мурувват амаллари ҳақида ҳам жуда кўп ва хўб гапириш мумкин. Олтиариқ ТБ ходимларининг ободлик ҳаракатларига кўшган ҳиссасига келсак, жавоби мухтасар баён этилди: Туман марказидан Қапчуғайгача 8 км.ли оптик толали кабел ётқизилди. Барча боғчалар, профилактика инспекторлари хоналари, корхона ва ташкилотлар интернетга уланди. Ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яратилди ва мурожаатлар ўша кунийк ҳал этилмоқда. Алоқа симёғчалари бетонларига алмаштирилди. Бу ишларда кабел кавшарловчи Иброҳим Турғунов, линия монтери Беҳзод Бадилов, линия муҳандиси Ойбек Тўйчиев ҳамда хайдовчи Муҳиддин Мисирлиевларнинг хизматлари катта бўлди. “Ягона ойна” мутахассислари Эминжон Умаров, Дилбарой Шокрирова, Рўздатжон Комилов, Маликаҳон Розиковалар номини мамнуният билан тилга олиш жоиз. Уларнинг тезкор ва сифатли иши яна бир марта баҳосини олди.

Олтиариқликлар мисолида ҳам жуда оз фурсатларда мақтаса арзигулик ободлик юмушларини бажариш мумкинлиги яққол намоён бўлди. Энди халқимизга бундайин эзгуликларга гайрат қилиш одатий ҳол бўлиб қолиши турган гап.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг
Фаргона вилоятидаги мухбири

Туман

марказидан
Қапчуғайгача
8 км.ли оптик
толали кабел
ётқизилди.
Барча боғчалар,
профилактика
инспекторлари
хоналари,
корхона ва
ташкilotлар
интернетга
уланди.



ОБОД ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Хоразм вилоятининг учта туманида “Обод қишлоқ” дастури ижросини таъминлашга соҳа корхоналари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Хусусан, дастур асосида Қўшқўпир туманининг Оқдарбанд қишлоғи “Иттифоқ” ва Янгиариқ туманининг “Гуллобод” маҳаллаларида ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган.

— Қўшқўпир тумани Оқдарбанд қишлоғидаги телефон станциясигача оптик толали кабел тортилди, — дейди “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи Абдурахим Абдурахмонов. — Замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишга мўлжалланган 128 портли MSAN қурилмаси монтаж қилиниб, ишга туширилди. Қишлоқ телефон станцияси жойлашган бинода таъмирлаш ишлари бажарилди, том қисми шифер билан қопланди. Қишлоқ ҳудудидаги 112 донна симёғоч бетон устунларга алмаштирилди. Линия-кабел ҳўжалигининг 9,1 км. қисми ҳамда бир донна тарқатиш қурилмаси капитал ва жорий таъмирланди. Янгидан ТПП50*2 маркали кабелдан 400 метр ва ТПП30*2 маркалисидан эса 350 метр ётқизилди ҳамда 9 донна кабел қутилари ўрнатилди. Шу ҳудуддаги 40-мактабга 2,5 км., видеокузатув камералари учун уч нуқтага 5 км.дан ортиқ оптик толали кабеллар тортилди.

— Амалга оширилаётган бу каби ишларни кўриб жуда хурсанд бўляпмиз, — дейди биз билан суҳбат чоғида шу қишлоқда истиқомат қилувчи Саломат Ортиқова. — Қишлоғимизда шундай ўзгаришлар бўлади, деб кутмагандик. Янги замонавий кабелларнинг ўрнатилиши, қолаверса, ин-



тернет тармоғининг сифатли ишлаши ёшларни хурсанд қилди. Чунки, давр ҳаммадан электрон ишларни талаб қилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқаролар эмас ҳужжатлар ҳаракатланади. Бунинг учун эса ахборот-коммуникация тизими мустақам бўлса бас.

Оқдарбанд қишлоғи ҳудудида мобил алоқанинг 2G тармоғи қамрови 100, 3G тармоғи қамрови 80-90 фоизни ташкил қилади. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали томонидан қишлоқ аҳолисига қулайликлар яратиш мақсадида замонавий почта хизматлари ва “ЎзМобайл” уяли алоқа компаниясининг дилерлик хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. “Матбуот тарқатувчи” ШК томонидан қишлоқда замонавий “Матбуот” дўконларини ташкил этиш бўйича ишлар ҳам ташкил-лаштирилган. Қишлоқ ҳудудида жойлашган учта мак-

таб ҳамда 2та мактабга таълим муассасаси электрон кутубхона тизимига уланиш имконияти яратилди. Қишлоқда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Бу каби сайё-ҳаракатлар Янгиариқ тумани Гуллобод қишлоғида ҳам амалга оширилмоқда. Қишлоқ ҳудудидаги 208 рақамли “Коинот-Эл СГМ” телефон станциясигача 5,1 км. оптик толали кабел тортилиб, эски симлар олиб ташланди. Замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишга мўлжалланган 64 портли MSAN қурилмаси ишга туширилди. Ҳозирда қишлоқ телефон станцияси жойлашган бинода таъмирлаш ишлари авжида. Тўққизта симёғоч алмаштирилди, олтига кабел қутилари ўрнатилиб, шароитлар яратилди.

Урганч туманидаги Чолиш шаҳарчасида ҳам дастур доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан,

шаҳарчадаги 264 рақамли ZTE телефон станциясигача бўлган масофага 1,6 км. оптик толали кабел тортилди. Замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишга мўлжалланган 96 портли DSLAM қурилмаси монтаж қилинди. Телефон станцияси жойлашган бинода таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳудуддаги 51 донна симёғоч тартибга келтирилди. Линия-кабел ҳўжалигида 4,1 км. қисми жорий таъмирланди, уч донна кабел қутилари ўрнатилди. Шаҳарчада таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Албатта, дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар халқимизни эртанги куни учун, яхши шароитларда ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун қилинапти. Зеро, халқ рози бўлса, ишимизда унум ва қут-барака бўлади.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

ТАДБИР

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА МАСЪУЛМИЗ

Вояга етмагандар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш, интэрнет тармоқлари орқали бўлаётган ҳуружларга қарши ёшларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстириш ва юксалтириш асосий вазифамизга киради. Шундан келиб чиқиб, Жиззах тиббиёт коллежида ёшлар ўртасида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган тадбир ўтказилди.

Тадбирда вилоят маънавият маркази раҳбари Ш.Муратов, Жиззах шаҳридаги Имом Бухорий жоме масжиди имом-хатиби Р.Қўшбоқов ва шаҳар прокуратураси 2-сектор аъзоси Ш.Абдурахмонов иштирок этиб, мазму доирасида маърузалар қилишди. Маърузачилар бугунги ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва динимиздаги ислохотлар, умуминсоний қадриятлар, ёшларга ўқиб-ўрганишлари, ҳунар эгаллашлари учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар, шу билан бирга, халқаро миқёсдаги диний экстремизм, фундаментализм, миллатчилик ва терроризм ҳақида, ёшларни бу балолардан сақлаш, улар онгини маънавий булоқларимизнинг ўлмас нурулари билан ёритиш лозимлиги борасида гапирдилар.

— Ўзбекистон дунёвий давлат қуриш йўлидан бормоқда, — деди жумладан имом-хатиб Р.Қўшбоқов. — Ҳуш, дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади? Унда диний эътиқодга қандай ўрин ажратилган? Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга

бўлган муносабат демократия мезонларига асосланганлигини чуқур идрок этишимиз керак. Улар дин ҳаётдаги ижтимоий-маданий ва маънавий, руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тенг ҳуқуқли бўгин сифатида қабул қилинган.

Коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан саволларига йнғилданлардан жавоблар олишди.

Феруза ПРИМКҮЛОВА,
коллеж маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

С 17 ПО 22 СЕНТЯБРЯ ПРОЙДЁТ ОЧЕРЕДНАЯ НЕДЕЛЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ICTWEEK UZBEKISTAN 2018


ICTWeek Uzbekistan 2018 является крупным и важнейшим мероприятием, которое проходит на ежегодной основе с 2002 года в сфере информационных технологий Узбекистана. Мероприятие объединяет Саммит, Форум, Выставку, а также множество других мероприятий, премий, презентаций и акций.

Главной задачей проведения ICTWeek Uzbekistan 2018 является создание площадки для обмена опытом и демонстрации достижений современных технологий и инноваций. ICTWeek Uzbekistan 2018 также — идеальная площадка для демонстрации привлекательности ИТ-рынка Узбекистана иностранным инвесторам, взаимодействия государства, компаний и потребителей.

Мероприятие пройдет под патронажем Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан. Организаторами ICTWeek Uzbekistan 2018 являются ICTNEWS Conferences (ООО «СІВGRUР»).

Официальное открытие Недели ICTWeek Uzbekistan 2018 будет объявлено на пресс-конференции 17 сентября.

Открывающим мероприятием ICTWEEK станет Саммит по информационным технологиям ICT INVESTMENT SUMMIT (IIS), который пройдет в формате пленарного заседания 18



сентября в гостинице Nayatt Regency Tashkent.

Саммит позволит участникам подвести итоги развития ИТ-сферы текущего года, обсудить стратегические задачи, стоящие перед отраслью, проведение диалога между правительством и инвесторами в лице международных ИТ-компаний и венчурных фондов. Вторая половина Саммита будет посвящена обсуждению приглашенными всемирно известными специалистами и инвесторами роли, потенциала и перспектив стран Центральной Азии в развитии глобальных тенденций информационно-коммуникационных технологий.

Участниками Саммита станут руководители государственных

органов управления, руководители предприятий и организаций сферы связи и информационных технологий, международные эксперты и аналитики, представители международных ИТ-компаний.

Важное место в ICTWeek Uzbekistan 2018 занимает выставка информационных технологий ICTEXPO, в которой примут участие свыше 100 компаний-экспонентов. Павильоны 1 и 2 НВК «УЗЭКСПОЦЕНТРА» планирует принять более 35 тысяч посетителей за три дня. Выставка пройдет в Ташкенте (19 – 21 сентября).

Не менее ярким событием, где планируется обсудить результаты и достижения в области местных и глобальных интер-

нет-разработок станет Инновационный Форум — Innovation FORUM.

Форум будет работать в течение трех дней (19–21 сентября) и пройдет в формате блочных конференций, секционных заседаний, мастер-классов и панельных дискуссий.

Местом для проведения Форума станет Конференц-зал и Холл Атриум в НВК «УЗЭКСПОЦЕНТРА». Панельные дискуссии Форума содействуют выработке стратегических решений и программ, направленных на развитие отрасли информационных технологий страны. На форуме будет проводиться анализ противоречий, оцениваться потенциал развития и возможности его реализации.

Кроме этого, перед форумом стоит главная задача: создать все условия для продвижения инициатив местных ИТ-компаний.

Формат Недели информационных технологий позволяет наиболее эффективно организовать и структурировать все события, но также сделать их посещение максимально удобным как для участников, так и для посетителей. Для этого все основные мероприятия пройдут в одном месте.

Пройти регистрацию и получить подробную информацию о мероприятиях Недели информационных технологий ICTWeek Uzbekistan 2018 можно на официальном сайте мероприятия www.icweek.uz.

Форум будет работать в течение трех дней (19–21 сентября) и пройдет в формате блочных конференций, секционных заседаний, мастер-классов и панельных дискуссий.

“АЛОКАБАНК” ВПЕРВЫЕ В УЗБЕКИСТАНЕ ВЫПУСКАЕТ КОБЕЙДЖИНГОВЫЕ КАРТЫ

В мае этого года руководство Единый общереспубликанский процессинговый центр (ЕОПЦ) и АК «Алокабанк» посетили головной офис компании China UnionPay в городе Шанхай, КНР. По итогам встречи ЕОПЦ и UnionPay International подписали соглашение о выпуске кобейджинговых карт. Одним из важнейших пунктов этого соглашения стало определение расчетного банка по операциям с кобейджинговыми картами. В результате обеими сторонами было принято решение о назначении АК «Алокабанка» в роли расчетного банка, являющегося членом обеих платежных систем. Ему же выпала честь стать первым в Узбекистане банком-эмитентом дуальных карт.

В свою очередь, АК «Алокабанк» и UnionPay International подписали соглашение касательно эмиссии карт UnionPay. Выпускаемые кобейджинговые карты будут оснащены NFC чипом, позволяющим осуществлять бесконтактную оплату за товары и услуги.

Клиенты Алокабанка, которые станут держателями кобейджинговых карт, будут иметь следующие преимущества:

■ возможность использо-



вания сумовой (заработной) пластиковой карты за пределами Узбекистана;

■ отсутствие необходимости конверсии денежных средств на сумовой карте при выезде из страны;

■ осуществление денежных

переводов на более низких тарифах;

■ возможность использования привилегий каждой платежной системы, пользуясь лишь одной пластиковой картой (онлайн-покупки, программы лояльности).

ДЛЯ СПРАВКИ: Кобейджинговая карта — это совместная карта двух платежных систем UZCard и UPI, эмитируемая уполномоченными коммерческими банками Республики Узбекистан (эмитентами) и предназначенная для пользования в инфраструктурах обеих платежных систем. Кобейджинговая карта привязана к одному карточному счету в узбекских суммах, при этом она позволяет ее держателю оплачивать товары и услуги за рубежом благодаря мгновенной электронной конвертации сумов в доллары США.

UnionPay International (UPI) является дочерней компанией China UnionPay и сосредоточена на росте и поддержке глобального бизнеса UnionPay за пределами Китая. В партнерстве с более чем 1700 финансовыми институтами по всему миру, UPI предоставляет возможность использовать карты для оплаты товаров, услуг и снятия наличности в 168 странах мира. Карты UnionPay эмитируются в более чем 48 странах, включая Узбекистан.

Наш корр.



Посланник Генерального секретаря ООН по делам молодежи посетила IUT

Посланник Генерального секретаря ООН по делам молодежи Джаятма Викраманаяке 11 июня 2018 года посетила Университет ИНХА в г. Ташкенте (IUT).

В ходе визита в IUT Посланник Генерального секретаря ООН по делам молодежи провела встречу с участницами конкурса Technovation Uzbekistan сезона 2018 года.

Во время встречи Джаятма Викраманаяке рассказала о своей деятельности в качестве Посланника Генерального секретаря ООН по делам молодежи и работе с молодежью в Шри-Ланке. Она ознакомила с конкурсом Technovation Uzbekistan и работами девушек, которые они представили в рамках проекта. Джаятма Викраманаяке была впечатлена с мобильными приложениями девушек и пожелала удачи им. Она подчеркнула, что количество девушек в STEM является очень маленьким и через участие в таких проектах они создают новую историю.

Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш в июне 2017 года назначил Джаятму Викраманаяке из Шри-Ланки своим Посланником по делам молодежи. В роли Посланника по делам молодежи она добивается вовлечения молодежи в работу ООН на всех основных направлениях — устойчивое развитие, права человека, мир и безопасность и гуманитарная деятельность.



НИМА УЧУН МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ?

◀ 1-бет.

Ахборот хавфсизлиги ўзи нима?

Давлат сиёсати даражасига айланаётган ахборот хавфсизлиги ўзи нима? Ахборотни муҳофаза қилишнинг мақсадлари нимадан иборат? Келинг, ушбу масалаларга оидлик киритиб олайлик.

Ахборот хавфсизлиги компютер тизимлари ва тармоқларида узатилаётган, сақланаётган ва қайта ишланилаётган ахборотнинг ишончлилигини тизимли тарзда ишлашни таъминлаш учун турли восита ва усуллари қўллаш, зарур чораларни кўриш ва белгиланган таъбирларни амалга оширишлар.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг мақсадлари куйидагилардан иборат:

- ахборотни тарқаб кетиши, ўғирланиши, бузилиши, қалбақлаштирилиши, шахс, жамият, давлатнинг хавфсизлигига таҳдиднинг, ахборотни йўқ қилиш, модификациялаш, бузиш, нуҳса олиш, блокровка қилиш каби ноқонуний ҳаракатлар ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига ноқонуний таъсир қилишнинг бошқа шакллари олдани олиш;

- ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва конфиденциаллигини сақлаш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш;

- давлат сирларини сақлаш, қонунчиликка асосан ҳужжатлаштирилган ахборотларнинг махфийлигини таъминлаш;

- ахборот жараёнларида ҳамда ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва қўллашда субъектларнинг ҳуқуқларини таъминлаш.

Комплекс муҳофаза

Бутун дунёда ахборотни муҳофаза қилиш тизимларидан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ахборотни фақатгина комплекс муҳофаза қилиш тизимлари самарали бўлиши мумкин. Ушбу комплекс чора-тадбирлар эса куйидагилардан иборат:

- **Қонунчилик.** Ахборот ҳимояси соҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгиланган қонуний актлардан фойдаланиш (Ахборот хавфсизлиги сиёсати, ички йўриқномалар, стандартлар ва бошқалар).

- **Маънавий.** Корхонада қатъий белгиланган ўзини тутиш қоидаларининг бузилиши кўпчилик ходимлар томонидан салбий муҳофизат, жорий этилган маълумотни қўллаб-қувватлаш.

- **Физик.** Ҳимояланган ахборотга бегона шахсларнинг киришини тақиқловчи физик тўсиқлар яратилиш (видеокузатув тизими, турникет ва бошқалар).

- **Маъмурий.** Тегишли махфийлик тартиби, кириш ва ички тартибларни ташкил этиш.

- **Техник.** Ахборотни муҳофаза қилиш учун электрон ва бошқа ускуналардан фойдаланиш.

- **Криптографик.** Ишлов берилаётган ва узатилаётган ахборотларга ноқонуний киришнинг олдини олувчи шифрлаш ва қоллашнинг татбиқ этиш (электрон рақамли имзо, E-key ва бошқалар).

- **Дастурий.** Фойдалана олишқики чегаралаш учун дастур воситаларини қўллаш (пароллаш, тармоқлараро экран, анти-вирус ва бошқалар).

Компютер вирусларидан ҳимоя

Айни пайтда барча маълумотлар электрон маълумот, ахборот шаклига ўтмоқда. Ушбу маълумотлардан ўз мақсадларида ёки гараз ниятларда фойдаланувчилар эса ўз навбатида мақсадларини рўёбга чиқарувчи дастурлар — вирусларни яратиш, уларни интернет тармоғи орқали тарқатмоқда.

Компютер вирусларидан ва бошқа дастурлар таъсиридан, ўзгартиришлардан ҳимояланиш компютер тизимларида ахборотларни қайта ишлаш жараёнини ҳимоялашнинг мустақил йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу

хавфга етарлича баҳо бермаслик фойдаланувчиларнинг ахборотлари учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Вирусларнинг таъсир механизмларини, уларга қарши кураш усуллари ва воситаларини билиш вируслар билан зарарланишга қарши ҳаракатларни самарали ташкил этиш, улардан зарарланиш эҳтимоли ва талафотларни минимумга келтириш имконини беради.

Компютер вируслари — бу компютер тизимларида тарқалиш ва ўзини ўзи ишлаб чиқиш хусусиятига эга бўлган кичик ҳажмдаги бажариловчи дастурлар. Вируслар компютер тизимларида сақланаётган дастурий воситалар ёки маълумотларни йўқ қилиши ёки ўчириш юбориши мумкин. Тарқалиш жараёнида вируслар ўзини модификациялаши мумкин.

Антивирус воситалари компютер тизимларида вирусларни топиш, вирус-дастурлар ишини блокровка қилиш, вируслар таъсир оқибатларини бартараф қилишда қўлланилади.

Вирусларни топишни уларни жойлашиб олиш босқичида ёки ҳеч бўлмаганда вируснинг бузувчилик функцияларини бошлашга қадар амалга оширган мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш жоизки, барча турдаги вирусларнинг топишни кафолатловчи анти-вирус воситалар мавжуд эмас.

Вируснинг таъсир оқибатларини бартараф қилиш икки — вирусни ўчириш, файлларни, хотира соҳаларини тиклаш йўналишида олиб борилади.

Тизимни қайта тиклаш вирус турига, уни аниқланган ҳамда зарарловчи таъсирини бошлаган вақтга боғлиқ. Вируслар тизимга кириш жараёнида, ўзини сақлайдиган жойдаги маълумотларни ўчириш юборса ҳамда зарарловчи таъсир натижасида маълумотларни ўзгартириш назарда тутилган бўлса, захирага олинган маълумотларсиз йўқолган маълумотларни тиклаш бўлмайди.

Вирусларга қарши курашда аниқ бир кетма-кетлик ва комбинацияда қўлланилувчи, вирусларга қарши курашиш усуллари ҳосил қилувчи дастурий ва аппарат-дастурий воситалардан фойдаланилади.

Қоидалар

Компютер тизимларининг хавфсиз ишлашининг асосий шартларидан бири, амалда синовдан ўтказилган ва ўзининг юқори са-

мара беришини кўрсатган бир қатор қоидаларга риоя қилиш ҳисобланади.

Биринчи қоида — қонуний, расмий йўл билан олинган (лицензияланган) дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш. Дастурий таъминотнинг қароқчилик йўли билан кўпайтирилган нусхаларида (лицензиясиз), расмий йўл билан олинганларига нисбатан вирусларнинг мавжудлик эҳтимоли жуда юқори.

Иккинчи қоида — ахборотлар, зарур маълумотлардан нуҳса олиб, захира қилиш. Ҳозир интернет тармоғига ҳар қуни минглаб вируслар тарқалмоқда. Сиз қimmatли маълумотлар, жумладан, илмий ишларингизни, суратлар, видеоларни ечиб олинувчи ташувчиларда (флешка, дискларда) ёки Google Диск, Dropbox каби бўлутли маълумотлар сақлаш оморларига сақланг. Жуда бўлмаса, зарур ҳужжатларни почта орқали бошқа бир электрон почта-га ташлаб қўйинг.

Учинчи қоида — антивирус воситаларидан мунтазам фойдаланиш. Антивирус воситалари ҳамда амалий тизимни доимо янгиллаб бориш. Чунки, компаниялар томонидан яратилган антивирус дастурлари ва амалий тизимлар йиллар давомида тақомиллаштириб борилади. Жумладан, янгиланишлар улардаги вируслар ҳужумига барлош бера олмайдиган бўлиқларини ҳам ўзгарилади.

Тўртинчи қоида — янги ечиб олинмаган ахборот ташувчилардан ва янги файллардан фойдаланишда эҳтиёткорликка риоя қилиш. Янги ечиб олинмаган ташувчилар олинганда, албатта, юкланувчи ва файл вируслари мавжудлиги текширилиши лозим. Текширув, сканерловчи дастурлар ва эвристик таҳлили амалга оширувчи дастурлар ёрдамида амалга оширилиши керак. Олинган ҳужжатлар ва жадваллар билан ишлашда, ушбу файллар тўлиқ текширилишга қадар, матн ва жадвал муҳаррирларига ўрнатилган макрокомандаларнинг бажарилишини тақиқлаш зарур.

Бешинчи қоида — тизимга, айниқса, тақсимланган тизимларга ёки жамоа бўлиб фойдаланиладиган тизимларга, киритилаётган файлларни ва ечиладиган ахборот ташувчиларни махсус ажратилган компютерларда текшириш. У тизим администратори ёки маълумотлар хавфсизлигига масъул бўлган шахснинг автоматлаштирилган иш жойидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Олтинчи қоида — электрон почта хабарларига эҳтиёткор бўлинг. Электрон почта орқали компютерга зарарли файлнинг тушиб қилиши оммавий ҳолат. Сизга спам кўринишидаги бегона исм-шариф, нотаниш хизматдан хабар келса, уни устига боса кўрманг. Word ёки Excel ҳужжатлари, зарарли файлга эга веб-саҳифалар, Adobe ҳужжатлар, ижтимоий тармоқ манзиллари аслида зарарли файлнинг шунчаки ниқоби бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган тавсияларга доимий риоя қилиниши вирус-дастурлар билан зарарланиш эҳтимолини анча камайтиради ва фойдаланувчининг ахборотларини қайтиб тиклаб бўлмайдиган йўқотишлардан сақлайди.


Азиз БОЙНАЗАРОВ,
АКТ вазирлигининг Жиззах вилоят худудий бошқармаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи

“Бутун дунёда ахборотни муҳофаза қилиш тизимларидан фойдаланиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ахборотни фақатгина комплекс муҳофаза қилиш тизимлари самарали бўлиши мумкин.”



КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш ва иқтисодий ўсиш суратларини оширишнинг муҳим омили сифатида ахборот технологияларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимларини ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, информацион тизимлар комплекслари базасини шакллантиришимиз лозим.



1-расм. Республиканинг рақамли телевидение тармоғи билан қамраб олиш кўлами динамикаси.

“
Рақамли телевидениенинг жорий қилиниши республика бўйлаб янада кўпроқ теледастурларни намойиш этиш имконини берди.”

Телекоммуникация республика ахборот-коммуникация соҳасининг етакчи тармоғидир. Бу соҳани жадал сурьатлар билан ривожлантириш эса Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакат иқтисодиётини ривожлантирган давлатлар даражасига кўтаришда ўзига хос локомотив ролини ўйнайди.

Бугунги кунда республикамизда жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг жадал ривожланиши таъминланди. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларига АКТ кенг жорий этила бошланди, интернет, уяли алоқа хизматлари ривожланди, рақамли телевидение


ни ташкил этиш, унда замонавий рақамли стандартларни жорий этиш жараёнлари амалга оширила бошланди. Булар ахборотлашган жамият шаклланиши ва жадал ривожланишининг яққол мисолидир. Замонавий ахборот технологияларининг энг асосий йўналишларидан бири бу рақамли стандартлардир. Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли телевидение кенг жорий қилинмоқда. Бизда табиий савол тугилади: рақамли телевидение ўзи нима,

унинг аналог телевидениедан қандай фарқи бор?
Биз шу кунга қадар хизматларидан фойдаланиб келган эски телевидение узатиш тизими, яъни аналог форматдаги телевидение ҳозирги замон талабларига жавоб бермай қолди. Эътибор берган бўлсангиз, илгари аналогли тизимда телевизордаги тасвирлар жуда кам ҳолатларда аъло даражада кўрсатарди. Экрандаги тасвирлар жимирлашиб, турли ташқи таъсирлар кузатиладди. Тасвир эса тез-тез йўқолиб қоларди. Телеканаллар сони ҳам 4-5тадан ортмасди.

теледастурларни кўриш нуқтани назаридан эмас, балки шундай сезиларли сифат устунлиги ва қулайликларни ҳам яратди.
Рақамли телевидение имкониятлари жуда кенг. Унинг воситасида жуда оз вақт ва харажат сарф қилиб, худудларда тарқатилаётган телевизион дастурлар сонини кескин ошириш, электр энергия исотемolini камайтириш, радиочастота ресурслардан самарали фойдаланиш, телевизион тасвир сифатини юксалтириш, юқори аниқликдаги телевидение имкониятларидан фойдаланиш, аҳоли учун интерфаол хизматларни жорий қилиш мумкин.

Рақамли телевидение — бу аналог телевидение ағналарига умуман мос келмайдиган, етарлича юқори сифатли тасвир ва овоз билан таъминланган сиқилган видеосигнални узатиш ва қабул қилиш усулидир. Бошқача қилиб айтганда, агар аналог ва рақамли телевидение параметрларини солиштирсак, VHS форматдаги видеокассета ёки сифатли DVD турдаги рақамли ахборот тарқатувчида келтирилган видеотасвирларни мисол қилиб олиш мумкин. DVD бизга етарлича сифатли тасвирни кўриш, жонли ва ҳақиқий овозни эшитиш, шунингдек, қўллаб ахборот тарқатиш имкониятларини тақдим этиш каби рақамли телевидение фақатгина

Рақамли телевидениенинг жорий қилиниши республика бўйлаб янада кўпроқ теледастурларни намойиш этиш имконини берди. Аналогли ТВда битта узатгич битта теледастурни узатиб берар, табиийки, 12та теледастурни узатиш учун 12та узатгич ўрнатиш керак бўлар эди. Бу эса радиочастота каналлари етишмаслиги сабабли имконсиз эди. Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир давлатнинг умуммиллий — нефт, газ, олтин захираси каби частота захираси ҳам қимматли ва муҳим ҳисобланади. Шу сабабли унда давлат ва халқ манфаати йўлида самарали фойдаланиш лозим.



2-расм. "UZDIGITAL TV" МЧЖнинг рақамли телевидение хизматларига уланган абонентлар сони.

ХУСУСИЙ ТВ КАНАЛЛАРИГА БИР НАЗАР

Бугунги кунда телевиденида хусусий каналлар фаолиятини қузатар эканман, ҳеч кўнги тўлмайди, савия жиҳатдан оқсоқланиб қолган бу каналлар фақат бизнес учун, кўпол қилиб айтганда, чўнтакни қаптайтиришдан бошқа нарсани ўйламаётгандек назаримда.



“Хусусий каналларда ҳам бадий соат бўлса, китобхонлик маданиятини юксалтириш учун озроқ вақт ажратиб қўйса, томошабинлар учун ҳам, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш учун ҳам хизмат қилган бўларди.”

Қолаверса, аналог телевидение кўп электр энергия сарфини ва катта харажатларни талаб қиларди. Рақамли телевиденида битта узатгич орқали узатиладиган телеканаллар сонини 12-18гагача етказиш имкони бор. Рақамли телевиденига ўтиш электр энергия сарфини камайтиради. Бундан ташқари, мамлакатимиз миқёсида бундай тармоқни яратиш бирмунча осон.

Амалга оширилган инвестиция лойиҳаси натижасида кўришимиз мумкинки, бугунги кунда республикамизда ўрнатилган рақамли телеузатгичлар орқали худудларни қамраб олиш ва рақамли телевиденидан аҳолининг фойдаланиши даражаси 1-расмда акс эттирилган.

Халқаро электралоқа иттифоқи тавсияларини бажариш, рақамли телерадиоэшиттиришга ўз вақтида, сифатли ва босқичма-босқич ўтишни таъминлаш, рақамли телерадиоэшиттиришларга ўтишда Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, 2010 йилнинг 20 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан махсус Идоралараро ишчи гуруҳ тuzилганлиги ушбу масалаларга республикамиз раҳбариятининг жиддий эътиборини кўрсатади.

Республикамизда аҳоли, корхона ва ташкилотларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатишга ихтисослаштирилган "UZDIGITAL TV" МЧЖ ташкил этилди. Ҳозирда мазкур ташкилот Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан фаолият турига берилган тегишли лицензияга асосан рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш бўйича оператор вазифасини бажариб келмоқда.

2014 йилнинг июн ҳолатига "UZDIGITAL TV" МЧЖ томонидан кўрсатилаётган пуллик рақамли телевидение хизматларига Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича жами 80 566та абонент уланган. Шунингдек, рақамли телевидение хизматларидан бепул фойдаланувчиларнинг сони вилоятлар кесимида кўшиб олганда 15 млн.га етди. 2018 йилнинг 1 чорагида эса аҳолининг 230 мингдан ортиги бевосита рақамли телевидение тармоғига уланганини ва бу кўрсаткич кундан-кунга ортиб бораётганлигини 2-расмда кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида таъкиллаш лозимки, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жамиятга кечаётган жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиб, ислохотлар самарадорлигини оширади, аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилади, янгидан-янги имкониятлар эшигини очади.

Иззатбек НУРДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси

Масалан, уларни "забт этган" қўшиқчиларни олайлик, куйлаган қўшиқлари матнида маънодан асар ҳам йўқ, ундай ижод кимга керак? Иккинчи томондан, қўшиқ мусиқасида миллий оҳанг йўқ ҳисоби, менталитетимизга мос бўлмаган енгил-елпи клиплар аксарияти. Улар кийган кийимларни фарзандларимиз томоша қилса, бунга қандай қарайсиз?

Бошқа канални кўр дейсиз, тўғрими? Мен-ку телевидение дярли кўрмайман, аммо ўша вақтдан, ўша кўрсатувлан унумли фойдаланса бўлади-ку.

Тан олиш керак, фойдали дастурлар ҳам бор, халқ учун ҳам, муҳим янгиликлар ва камчиликларни бартараф қилиш йўлида тайёрланган эфирлари ҳам кўп. Аммо, беш бармоқ баробар бўлмаганидек, мазмунсиз, кўпол равишдаги ҳазиломуз дастурларни, материалларни ким тайёрляпти, уларни ким назорат қилади? Менимча, уларни ҳақиқий профессионал журналист, яъни муҳаррир назоратига олмаган, акс ҳолда бундай бемазагарчиликларга йўл қўймасди...

Хусусий каналларнинг яна бир фаолиятини айтиб ўтсам: турли кўрсатувлар пайдо бўлган ҳозир, ким нима хоҳласа пулини тўлаб эфирга олиб чиқяпти, чунки ўша кўрсатувлардан моддий манфаатдор бўлаётганлар бор-да.

Бадий жиҳатдан озуқа бўлмаса, публицистик материаллар бўлмаса, жамиятдаги камчиликларни олиб чиқмаса, бизга нега керак у кўрса-

тувлар, фақат ўша шоу бизнес вакиллари учун керакми?

Масалан, мен назм йўналишида ижод қиламан, битта шегъри газета чоп этишидан олдин унинг мазмун-моҳиятини муҳаррир сўрайди, сўрамаганда ҳам синчиклаб кўриб чиқали, чунки инсонлар онгини заҳарлаш керак эмас, нафислик, бегуборлик, кайфият борасида ўйлаб кейин оммалаштирса, нур устига нур бўлади.

Хусусий каналларда ҳам бадий соат бўлса, китобхонлик маданиятини юксалтириш учун озроқ вақт ажратиб қўйса, томошабинлар учун ҳам, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш учун ҳам хизмат қилган бўларди.

Берилаётган филмларни ҳам айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Этика, эстетика мезонлари асосида ташкил этиш керак филмларни. Жажжи кичкинтойлар учун ҳам озгина вақт ажратилса, фарзандларимизнинг дунёқарашини кенгайр эди.

Кенг аудиторияга мўлжалланган мумтоз мусиқаларимиз, қўшиқларимиз жуда кўп, тўғри улардан моддий манфаат бўлмайди, лекин томошабинда савия жиҳатидан ўсиш пайдо бўлади, ёш хонандалар учун эса бир мактаб.

Хуллас, бугун оммавий ахборот воситаларига жуда катта эътибор берилган, улардан тўлатуқис фойдаланиш имкониятини бой бермайлик.

Абдувоҳид СУВОНОВ

НАЗАРИЯ АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ТАТУга лаборатория мажмуаси совға қилинди

Ҳозирги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети замонавий лабораториялар билан жиҳозлаш, хусусан, телекоммуникация соҳасида, дастурлаштириш йўналиши, замонавий embedded systems тизимларини ўрганиш ва улар орқали талабаларда амалий кўникмани шакллантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Лекин биз шиддаткор замонда яшар эканмиз, техника-технология кундан-кун ўзгариб бораверади. Бунинг сабаби замонавий ўлчов, ахборот узатиш, тармоқ технология қурилмалари таркибий қисмларининг турлари ва имкониятларини кенгайтириб боришидир.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб дастурлаш соҳаси бир неча соҳаларга бўлиниб кетди. Улар визуал дастурлаш, микроконтроллер ва микропроцессорларни дастурлаш, виртуал дастурлаш ва бошқалар. Бунинг натижасида мазкур соҳаларни алоҳида ўрганиш ва амалий лабораторияларни яратиш талаби юзага келди. Ҳозирда мазкур йўналишлар бўйича лаборатория қурилмаларини янгилаш ва мавжудларини такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Қўридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан микропроцессор ва микроконтроллерларни ўрганиш бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи, кўплаб амалларни ўз ичига қамраб олган “Микроконтроллерлар учун дастурланувчи, йиғилувчи, созланувчи плата асосида лаборатория мажмуаси” кашф қилинди. Бу борада ТАТУ профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик олиб борилди.

Ўтган йиллар давомида мазкур лаборатория мажмуаси про-

фессор М.Муҳиддинов, Х.Кулматов, Н.Салихов, А.Каримов томонидан микроконтроллер ва микропроцессорлар учун ишлаб чиқилди. Мажмуани ишлаб чиқишда унинг универсал бўлиши инобатга олинди. Чунки ҳозирда микроконтроллер ва микропроцессорнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, ҳар бири учун алоҳида ёндашув талаб этилади. Шунинг учун мазкур ишлаб чиқилган плата имкониятларини кенгайтириш мақсадида умумий ечимларни қамраб олиш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди.

Замонавий LED телевизор ва катта масштабга эга экранлар махсус RGB турдаги светодиодлардан ташкил топган. Бундай экранлар охириги беш йилда жуда юқори даражада ривожланиб, ўзининг бир қанча функцияларини намойиш этди. Юқори тиниқликда ишловчи HD, FULLHD ва бошқа турдаги экранлар дунё юзини кўрди.

Мана шундай экранларни ўрганиш, уларнинг таркибий қисмларини кўриб чиқиш ҳар қандай ўрганувчи учун қизиқ бўлиши табиий. Рангларни светодиодни яратиш ва уни бошқариш орқали турли спектрдаги рангларни чиқариш имкониятини ўрганиш учун платада махсус схема ишлаб чиқилди. Схемани ишлаб чиқишда RGB турдаги светодиодлардан фойдаланилди. Талаба томонидан турли рангларни яратиш учун светодиодни микроконтроллерлар ёрдамида бошқариш имконияти платада мавжуд.

Ҳозирги кунда хавфсизлик даражаси учун замонавий кодли қулфлар ўйлаб топилди. Натижада улар учун алоҳида схема ва клавиатуралар ишлаб чиқилди. Бугунги кунга келиб, мазкур электрон қурилмаларни ҳар бир эшикда ёки бинолар кириш жойларида қўришимиз мумкин (1-расм).

Бугунги кунда доимий ҳамроҳимизга айланган калкулятор қурилмасининг клавиатураси ҳам тугмачалар ёрдамида ишлайди. Мазкур қурилманинг тузилиши ҳам талаба ёки ўрганувчилар учун қизиқ бўлиши табиий. Плата ёрдамида микроконтроллерни дастурлаш орқали бундай қурилмани яратиш имконияти мавжуд.



Виртуал ва универсал лаборатория мажмуининг умумий кўриниши ҳамда ўқув қўлланмалар.



Кафедра мудири Сайдаҳад ПАРСИЕВ (ўнгдан биринчи) шогирдлари билан плата аҳамияти тўғрисида суҳбатлашмоқда.



1-расм. Замонавий электрон қулф кўриниши.



2-расм. Компютер ёрдамида ишловчи рақамли осциллограф кўриниши.

Плата замонавий функционал вазифаларни бажариш учун кўплаб схемалар ишлаб чиқилди. Схемаларда замонавий кодли қулфларни яратиш, сургичлар асосида махсус дастурланувчи бўлим, инфракизил нур орқали маълумотлар алмашиши, улар асосида махсус буйруқларни бажариш, ундан датчик сифатида фойдаланиш имкониятларини ўз ичига олган схемалар ишлаб чиқилди.

Компютер билан қурилмаларни боғлаш учун LPT ва COM портлардан фойдаланилар эди. Бунинг натижасидан микроконтроллердаги маълумотларни компютерга узатиш имконияти яратилган. Бугунги кунга келиб, мазкур портлар ўрнини замонавий USB портлар эгалламоқда. Ушбу портлардан фойдаланган ҳолда плата ёрдамида кўплаб қурилмаларни ишлаб чиқиш имконияти мавжуд. Мисол учун рақамли осциллограф (2-расм).

Мазкур қурилманинг олинган маълумотларини узатишда ҳам USB портлардан фойдаланилган. Шу билан бирга, замонавий ўлчов қурилмаларини яратиш учун асосан шундай портлар кўплаб қўлланилмоқда. Сабаби, ҳар қандай қурилмани созлаш, дастурлаш ёки унинг хотирасида маълумотларни олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, маълумотлар алмашувининг USB портлар орқали амалга оширишда USB HID тури ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги интерфейсдан асосан қурилмаларни боғлашда фойдаланилади. Мисол учун, веб-камераларни боғлашда, “сичқонча”ни ишга туширишда ва бошқалар.

Платани яратишда портлар орқали маълумотларни алмашиш-

дан тортиб юқори қучлиниши бошқаришга схемалар ишлаб чиқилди. Мазкур плата ва виртуал лабораториялар мажмуи 2016-2017 йилларда ЎзРЭА ИТЖ томонидан инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмақасида намойиш қилинди ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда “Микроконтроллерлар учун дастурланувчи, йиғилувчи, созланувчи плата асосида лаборатория мажмуасини яратиш ва ишлаб чиқиш” лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган универсал йиғилувчи, созланувчи ва дастурланувчи платанинг 10таи ТАТУ “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси ўқув жараёнига жорий қилинди.

— Мажмуа ўқув жараёни учун жуда катта аҳамиятга эга, — дейди мазкур кафедра мудири Сайдаҳад Парсиев. — Талабаларга амалий лабораторияларни ўтиш жараёнида қурилмаларнинг етишмаслиги бироз дилмизини хира қилар эди. Бу кадрлар тайёрлашда айрим камчилик ва муаммоларни юзага келтирарди. Талабалар амалий кўникмалари камлиги сабабли саволларга жавоб бериш ёки диплом ишларини ёритишда қийинчиликларга дуч келишган. Мазкур лаборатория мажмуида микроконтроллерларни ўрганиш жуда қулай. Яна шуниси диққатга сазоворки, ушбу амалий ва виртуал лаборатория мажмуасига ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилганлигини унинг аҳамиятини янада оширади.

Х.ҚУЛМАТОВ,
мустақил илмий изланувчи

ҚИЗИБ КЕТГАН НОУТБУК ЎЧИБ ҚОЛЯПТИ: НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?



Қизиб кетиш барча ноутбукларда учрайди, айниқса, эскиларида. Вақт ўтиши билан ноутбукнинг совитиш тизими компонентларнинг қизишига қарши туриб бера олмай қолади, натижада компьютер ўз-ўзидан ўчиб қола бошлайди.

Хўш, носозлик сабаблари нимада, қандай чора кўрилади?

Муаммо. Ноутбукнинг тез қизишига биринчи сабаб айнан унинг ичида тўпланиб қоладиган чанг зарраларидир. Ноутбукларда совитиш тизими шундай қурилганки, ташқаридаги ҳавони сўриб олиб, корпуснинг ичидаги радиатор орқали ўтказилади. Ва аксинча, қизиган ҳаво ташқарига чиқарилади.

Хуллас, оддийгина ҳаво орқали совитиш тизими. Бироқ ана шу ташқаридан тортиб олинмаган ҳавога қўшилиб миллионлаб чанг зарралари ҳам кириб, радиаторнинг “қовурғалари” орасига тўплана бошлайди. Вақт ўтиши билан бу тирқишлар чанг билан тўлиб, ҳавони деярли ўтказмай қолиши мумкин. Нима бўлади: ичкаридаги вентилятор фақат ичкаридаги иссиқ ҳавони ташқарига чиқара бошлайди.

Чора. Бу муаммодан ноутбукни чангдан тозалаб қутулиш мумкин. Яхшироқ тозалаш учун кўпинча ноутбукни бутунлай қисмларга ажратишга тўғри келади. Агар тажрибангиз етарли бўлса, ўзингиз бажаринг, устага олиб борсангиз янаям яхши.

Муаммо. Термопаста процессордаги иссиқликни радиаторга узатишни яхшилаш учун қўлланилади. Вақт ўтиши билан термопаста қуриб қолиб, иссиқликни ёмон ўтказа бошлайди.

Чора. Эски термопастани янгисига алмаштириш лозим. Бунинг учун ҳам ноутбукни тўлиқ очишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу икки амал бир пайтда бажарилади: ноутбук очилади, тозаланади ва термопастаси янгиланади.

Совитиш тизимидаги носозлик

Муаммо. Ноутбук чанг-ғубордан тозаланди, термопастаси янгиланди... бироқ ишламаяпти. Нега? Демак, совитиш тизимида муаммо бор. Масалан, кўп ноутбукларда иссиқликни узатиш учун ичига тез қайнаб кетувчи суяқлик тўдирилган иссиқлик

найчалари бўлади. Агарда бу найчалар тешилиб қолса ичидаги суяқлик буғланиб кетиши натижасида найчалар ўз вазифасини бажара олмай қолади. Носоз иссиқлик найчаларисиз ҳам ноутбукнинг совитиш тизими ишламайди.

Чора. Найчаларни

тузатиш керак. Бундан ташқари, муаммо корпус ичида ҳавони ҳайдовчи вентиляторларда ҳам бўлиши мумкин. Уларни мойлаш ёки алмаштиришга тўғри келади. Бунда ҳам компьютерни очиб керак.

Процессор ҳарорати 85°C дан юқорилаб кетишига йўл қўйманг!

Ноутбукни очмасдан кўриладиган чоралар

Ноутбук қизиб кетиб, ўчишда давом этапти. Ноутбукни очмасдан ҳам бирон чора қўллашнинг иложи борми? Қуйидаги тавсиялар ана шундай қийин вазиятда сизга қўл келади деб ўйлаймиз:

Ноутбукни доим текис ва қаттиқ юзага қўйиб ишлатинг: масалан, стол устига. Корпуснинг остида қанча кўп очиқ жой қолса совитиш тизими ташқаридаги шунча кўп совуқ ҳавони тортиб олади.

Ноутбукка ортиқча юклиниш тушишига йўл қўйманг. Жуда кўплаб дастурлар ва иловалардан бир пайтинг ўзида фойдаланиш, камига компютерга вирус тушган бўлса, процессорни 100 фоиз максимумда ишлашга мажбур қилади.

Махсус совитиш мосламасини сотиб олинг. Ноутбук остига қўйилувчи бу мосламадаги бир нечта вентилятор совуқ ҳавони узатиб, компютернинг ўзидаги совитиш тизимига қўмақлашади.

ТАВСИЯ



ИНГЛИЗ ТИЛИДА БЕПУЛ КИТОБ ЎҚИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ 15 ОНЛАЙН-КУТУБХОНА

Инглиз тили грамматикасини ўрганишингиз ва лугат бойлигингизни ошириш учун энг яхши йўл — асарларни асл тилида ўқиш. Бу усул муаллифни, унинг услуби ва “тили”ни тушунишда ҳам ёрдам беради. Албатта, “Харри Поттер”ни инглиз тилида мутолаа қилиш осонмас, бироқ қизикроқ. “Алиса мўъжизалар мамлакатида” қанча таржима қилинмасин, муаллиф ўқувчига нимани епказмоқчи бўлгани ҳануз тўлиқ очиб берилмаган. Хуллас, “Vse-kursy” ёзишчи, инглиз тилида мутолаа — энг фойдали, тўғри ва мароқли танлов.

Инглиз тилидаги китобларни ўқиш мумкин бўлган бепул онлайн-кутубхоналар:

“Free-ebooks.net”. Бу кутубхонада электрон китоблар катта жамланмаси жанрлар бўйича тақсимланган. Китоблардан ташқари, журналлар ҳам бор. Фойдаланиш учун рўйхатдан ўтилса бас. Фойдаланиш — бепул.

“FreeBookSpot” — 5000дан ортиқ электрон китоб жойланган

онлайн-ресурс. Ҳаммаси бепул, 95 тоифага ажратилган. Нафақат бадиий адабиётлар, таълим ва бизнесга оид китоблар ҳам бор. Уларни кўчириб олиш учун рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди.

“ManyBooks” — 3300дан ортиқ электрон китоблари бор. Адабиётларни номлари орқали қидириб топиш мумкин. Китоблар компютерда, “Kindle”, “Nook”, “iPad”да ўқиш учун форматланган. Асосий афзаллиги — кўплаб китоблар 20дан ортиқ форматда тақдим этилган.

“GetFreeEBooks” — бу муаллифлар ўз асарларини китобхонларга тақдим этувчи ҳамжамият. Миллиондан ортиқ китоблар бор ва улар кўпайишда давом этапти. Кўп китоблар EPUB, MOBI, PDF, TXT форматларида тақдим этилган.

“FreeComputerBooks” — дастурлаш ва математика бўйича китобларнинг улкан жамланмаси. Уларнинг орасидан маърузалар ва ўқув-қўлланмаларни ҳам

топиш мумкин. Барча китоблар мавзулари бўйича тоифаланган, тапиш осон.

“FreeTechBooks” — информатика, муҳандислик ва дастурлаш бўйича бепул китоблар, дарсликлар ва маърузаларни шу сайтдан топиб фойдаланишингиз мумкин.

“Wikibooks” — “Викимедиа”нинг бу ҳамжамияти ўқув-қўлланмаларнинг бепул кутубхонасини яратиш учун тузилган. Адабиётларни инсталланган фойдаланувчи тахрир қилиши мумкин.

“The Online Books Page” — интернетдаги 30 000дан ортиқ бепул китоблар рўйхати.

“Baeen Free Library” — илмий-фантастик романлар тўплами. Онлайн ўқиш ёки кўчириб олиш мумкин.

“eBookLobby”. Бу сайтдаги бепул электрон китоблар турли жанрларга бўлинган: бизнес, санъат, таълим... Керакли жанрни топиб, ўзингизга ёққан

китобни кўчириб олаверасиз.

“Project Gutenberg” — ушбу машҳур лойиҳа 75 000дан ортиқ китобларни рақамлаштирган. Қидирув қаторига муаллиф ёки асар номини киритиб, топиладиган адабиётларни онлайн ўқишингиз ёки керакли форматда кўчириб олишингиз мумкин.

“Planet eBook” — бепул мумтоз адабиётлар кутубхонаси. Китобларни кўчириб олиш осон.

“e-Library” — электрон кутубхонага 91 тоифадаги 8000дан зиёд китоб жойланган. Шулардан 500дан ортиғи бепул. Китобларни қидирув ёки рейтинг орқали осон топа оласиз.

“BookBoon” — талабалар ва сайёҳлар учун PDF форматдаги китоблар. Рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди.

“Classicshorts.com” — мумтоз ёзувчилар кичик ҳикояларини шу сайтдан топасиз. Барча китобларни онлайнда бепул ўқийсиз.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

12 АЛОҚА ОЛАМИДА




“Samsung”ning келажак технологиялари

Бостонда бўлиб ўтган “Society of Information Displays 2018” халқаро электроника кўргазмасида “Samsung” компанияси дисплейлар ишлаб чиқариш соҳасидаги энг олди ихтироларини намойиш этди. Жанубий Корея гиганти эгилувчан, шаффоф ва автомобильлар учун синмайдиغان экранларни, виртуал реалликка мўлжалланган зичлиги 1 200 ppi пикселли матрицани ҳамда мутлақ ҳошиясиз смартфонлар технологиясини кўрсатди.

Кўргазма вақтида “Samsung” ходими янги “Sound on Display” технологияси қўлланилган “Galaxy S9 Plus” смартфоннинг концептини тақдим этди. Номидан билиш мумкинки, ушбу дисплей овоз манбаси сифатида ҳам ишлай олади. Бунда овоз экрандаги вибрациялар орқали тарқалади. Компания вакиллари сўзларига қараганда, дисплейдан чиқаётган овоз анъанавий динамикаларидан деярли фарқ қилмайди.

Мазкур технологиядан фойдаланиш дисплей атрофидаги ҳошиялар ва қирқимлардан воз кечтиш имкониятини беради.



Болаларни ўқитишга қодир робот сотувга чиқарилади

“Xiaomi” компанияси “NUWA XiaoDan” номли роботни яратди. Ихтирочиларнинг сўзларига қараганда, мазкур робот сунъий интеллект технологияси ёрдамида айрим “ҳиссиёт”ларни намойиш этишга қодир.

Роботлар ҳис қилиш ва табиий ҳиссиётларга эга бўлмасда, “XiaoDan” атрофидаги одамларнинг хатти-ҳаракатлари ва қилиқларини тақроқлай олади.

“XiaoDan” “юз” сифатида 7 дюймлик экрандан ҳамда овозлар ва сўхбатларни эшитиш учун кўп йўналишли микрофондан фойдаланади. Шунингдек, унинг юқори қисмига камерага ўрнатилган ва Wi-Fi орқали видеоқўнироқларни амалга ошириш мумкин.

“Xiaomi NUWA XiaoDan”дан уй шароитида репититор сифатида фойдаланса бўлади. У болаларни инглиз тили ёки бошқа мактаб дарсларига, хусусан, математика ёки астрономияга ўргата олади.

Ушбу робот яқин кунларда Хитой бозорларида 360 доллардан сотувга чиқади.

3D-принтер ёрдамида келажак қишлоғи қурилади

Эйндовен техника университети олимлари тижорий компаниялар кўмағида келажак турар-жой комплексларини қуришни бошлади.

“Project Milestone” номли комплекс бешта бинодан иборат бўлади. Эскизлардан кўриш мумкинки, уларнинг ташқи кўриниши улкан тошларни эслатади. Биринчи бино бир қаватли ва ёғоч томли бўлади. Унинг майдони 95 квадрат метр бўлиб, ичида 2та ётоқхона, меҳмонхона, ош-

хона ва ювиниш хонаси жойлашади. Қолган уйлар икки ва уч қаватли бўлиб, тўлиқ бетондан қурилади.

Мазкур уйлар 3D-принтер ёрдамида қурилади. 3D-принтер орқали бетонларни босиб чиқариш хомашёни тежашга ва уни турли дизайнлик шаклларида яратишга хизмат қилади. Шундан сўнг, улкан принтерлар уйнинг каркасини ҳам босиб чиқаради, одамлар эса уларнинг барчасини бир жойга ййиғади.

Дунёдаги энг кучли суперкомпьютер

Теннесси штатидаги Окрижск миллий лабораториясида АҚШ Энергетика вазирлиги қошида дунёдаги энг кучли суперкомпьютер яратилди.

“Summit” номини олган компьютернинг кучи 200 петафлопсга тенг. Машина бир сонияда 200 миллиард операцияни бажара олади.

Таққослаш учун: янги машина бир сония ичида Ер юзидаги барча одамлар 305 кун давомида тинимсиз бажариши керак бўлган ишни амалга оширишга қодир.

“Summit”нинг қуввати Хитойда яратилган “Sunway TaihuLight” суперкомпьютериникидан (93 петафлопс) икки баробарга юқори.

Сахро хавосидан сув олиш мумкинми?

Беркли университети профессори Омар Яги куруқ ҳаводан сув олиш қурилмасини саҳрода синая кўрди. Яги сувни ютишга қодир металлорганик асосни яратди.

Бу майда кристаллар кўринишидаги кукун бўлиб, ҳаво ҳарорати пасайиши билан сув молекулалари

унда бирлашади. Шундан сўнг ҳарорат яна кўтарилади ва сув атроф-муҳитга тарқалади.

“Бир вақтнинг ўзида бир нечта стартап ушбу гоёни амалга ошириш ниятида. Бу таннарх дастлабки ихтиро мизиникидан 150 баробар паст бўлган катализаторнинг алюминийли версия-

си ёрдамида амалга оширилди. Қурилма атроф-муҳит ҳароратида кўёш нури ёрдамида ишлайди. Ҳеч қандай қўшимча энергиясиз саҳрода ҳам сув тўплаш мумкин. Алюминийли металлорганик асоснинг арзонлиги сув ишлаб чиқариш амалиётини оширади”, — дейди Омар Яги.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Қирғизистонда “Ҳашар” лойиҳаси

Қирғизистондаги қурилиш ширкати фақирлар учун 35 хонадондан иборат уй қуришни режалаштирмоқда. Маъмурият хабар беришича, “Ҳашар” лойиҳасининг мақсади муҳтожларга зарур бўлган уйларни қуришдир. Ширкат ҳозирда кам таъминланган оилалар рўйхатини тузаяпти. Фақир ва мискилар, кўп болали оилалар ва ногиронлар, икки фарзандини ёлғиз катта қилаётган ота ёки оналар, нафақахўр ва интернат битирувчилари ариза топширишлари мумкин. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун талаб этилаётган 500-600 минг АҚШ доллари қисман ширкат, қолгани хайру эҳсон йўли билан қопланиши кўзланмоқда.

Афғонистон ҳудудида БАА ва Қатар ҳарбийлари жойлаштирилади

Афғонистон миллий ҳафсизлик кенгаши мамлакат ҳудудида БАА ва Қатар ҳарбий қисмларини жойлаштириш таклифини маъқулади.

Маълумотга кўра, БАА ва Қатар НАТОнинг “Катый қўллаб-қувватлаш” дастурига қўшилишга аҳд қилган. Қўшини сони ва уларнинг Афғонистон-

га кириб келиш вақти оммага маълум қилинган. БАА Афғонистонга махсус ҳарбий бўлинмани юборишга қарор қилди, бироқ икки мамлакат қўшинлари ҳарбий амалиётда бевосита иштирок этмаган ҳолда афғон ҳарбийларини тайёрлашга ва уларга маслаҳат беришга.

Меркел Трампни айблади

Германия канцлери Ангела Меркел АҚШ президенти Доналд Трампни савдо баланси бўйича эскирган позицияда айблади. “Агарда сиз улардан хизматлар ва улар савдо балансига қандай киритилгани ҳақида сўрасангиз, унда АҚШда Европа билан савдода катта профицит борлиги ойдин-



лашади ҳамда хизматлар улуши ошиб боради. Бироқ, балансни модернизация қилиш мумкин, бу биз ишлар ҳақида гаплашиб олишимиз учун керак. Бунинг устига, АҚШ Германияга эмас, балки Германия АҚШга кўпроқ сармоя киритмоқда”, — деган Меркел Христиан-демократик иттифоқ фракцияси иқтисодий кенгаши талбиридаги чиқишида.

Туркия Ироқ шимолида ҳарбий амалиёт бошлади

Ироқнинг Қандил ва Синжар туманларида террорчиларга қарши амалиёт бошланди, дея маълум қилди Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдуған. Президентнинг сўзларига кўра, Туркия ҳарбий-ҳаво кучларининг 20та самолёти Курдистон ишчи партиясининг 14та йирик объектини йўқ қилган. “Бу фақат бошланиши ҳамда амалиёт давом эттирилади. Туркия қуролли кучлари Ироқнинг Қандилини террорчилардан тозалайди, бу худди Суриядаги Африн, Жераблус, Ал-Боб ва Ааз туманларида бўлгани каби юз беради”, — дея айтиб ўтди Эрдуған.

Туркия етакчисининг қайд этишича, барча террорчилар эртами ёки кеч ўз жиноятлари учун жавоб беради. Суриянинг Афринида “Зайтун новласи” амалиёти до-

ирасида 4500дан ортиқ террорчилар нейтраллаштирилган.

Украина Британияга таклиф билан чиқди

Украина Олий радаси спикери Андрей Парубий Буюк Британияга ташрифи вақтида ушбу давлат ҳукуматида Россиянинг гибридли тажовузкорлигига қарши курашиш мақсадида парламентларо гуруҳ ташкил этишни таклиф қилди.



Шунингдек, у Британия мудофаа вазирини Марк Ланкастерга Россия тажовузкорлигига қарши курашаётган украинлик ҳарбийларни ўқитишда иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

У.ТОЖИБОВ тайёрлади

МУИС РЕЗИДЕНТЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда АКТ учун халқаро стандартларга мувофиқ дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли ва рақобатдош дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасида вилоятда фаолият юритаётган "Mizo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази резидентлари билан учрашув ўтказилди.

Ҳудудий бошқарма бошлиғи С.Арипов инновация маркази мамлакатимизда ахборот-ком-

муникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқариш, таълим ва илм-фан интеграциясини чуқурлаштириш, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори технологик соҳалари ривож учун қулай шароитларни яратишга хизмат қилаётганини таъкидлаб, марказ Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониغا асосан ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни бирлаштириш мақсадида ташкил этилгани, вилоятда АКТни ривожлантириш масалаларини ва ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар фаолияти, улар олдидаги муаммолар ечимини топиш масалалари тўғрисида атрофлича тўхталиди.

"RUSLAN MEDIA" МЧЖ раҳбари Руслан Рустамов, "FOR EACH SOFT" МЧЖ раҳбари Давлат Ганиев ва дастурчиси Жавлон Қахрамонов, дастурчи Музаффар Қорасевлар йиғилишда иштирок этиб, фаолиятлари, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишдаги интилишлари ҳақида сўзлаб беришди. Улар 2018-2020 йилларда ахборот технологияларини ривожлантиришда ҳамкорликни кучайтириш, дастурий маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича фикр алмашишди.

Ҳудудий бошқарма бошлиғи истиқболли йўналишлар бўйича ахборот технологиялари маҳсулотини ишлаб чиқиш соҳасида эндигина иш бошлаган тадбиркорлар томонидан инновацион ҳамда "start-up" лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини, иқтидорли, салоҳиятли, билимга чанқоқ ёшларни кўпроқ жалб

қилиш зарурлигини таъкидлади.

Сўхбат жараёнида "RUSLAN MEDIA" МЧЖ раҳбари Руслан Рустамов Қарши шаҳрида фаолият юритиш учун муқим жой топишда қийналаётганлигини билдирди. Бошқарма бошлиғи С.Арипов муаммони жойида бартараф этиш мақсадида тадбиркорга "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали балансидаги бинонинг бўш хоналарини таклиф қилди ва шартномалар имзоланди. Эндиликда "RUSLAN MEDIA" МЧЖ шу ерда фаолиятини давом эттирмоқда. Шунингдек, "CodeLab" ХК раҳбари Бекзод Хўжаназаровга учрашув жараёнида телефон орқали боғланиб, фаолиятини вилоятда ривожлантириш бўйича таклифлар берилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

АЛПИНСТ-МУТАХАССИС

Баландлиги 33 метрдан 86 метргача бўлган мачталарда алпинизм усулида ишловчи тажрибали мутахассис ва антенначи-мачтачи сифатидаги ноёб касб эгаси марказнинг Қўйтош, Жиззах, Чўпон-Ота, Тахтакарача, Нуробод ва Каттақўрғон радиотелевизион станцияларининг антенна-фидер тизимларини монтаж қилиш ишларида иштирок этган.

Қўшрабод тумани Тегирмоновул қишлоғида туғилиб voyга етган Исмоилдин Ёшлик пайтлариданоқ компьютер ва техникага катта қизиш билан қарарди. Йиллар ўтиб, у Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари факултетини тахсил олди.

Исмоилдин Алиқулов 2008 йили олийгоҳни тугатгач, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарида меҳнат қилди. 2011 йилдан Самарқанд радиотелевизион марказида фаолиятини давом эттириб, 2015 йилдан бош муҳандис вазифасига тайинланди. Фаолияти давомида билимдонлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоа эътиборини қозонган қахрамонимиз вилоятдаги барча радиотелевизион станцияларда техник ускуналарни монтаж қилиш, соzлаш ва тиклаш ишларида, шу жумладан, баландликда ишлаш

тажрибаси юқори мутахассис сифатида антенна-фидер тизимларини монтаж-демонтаж қилиш ва уларнинг техник эксплуатациясини ташкил этишда фаол иштирок этиб келмоқда.

И.Алиқуловнинг Самарқанд радиотелевизион марказига қарашли Қўйтош, Жиззах, Чўпонота, Тахтакарача, Нуробод ва Каттақўрғон радиотелевизион станцияларида ҳамда марказнинг Самарқанд ва Жиззах вилоятларида узоқ ва бориш қийин бўлган чекка ҳудудларда жойлашган кам қувватли кичик радиотелевизион станцияларини, аҳоли яшаш масканларида телерадио узатгичларни монтаж қилиш, антенна-фидер тизимларини ўрнатиш, уларни техник талаблар асосида эксплуатация қилиш, рақамли телевидениени жорий қилишдаги жонбозликлари таҳсинга лойиқ. Шунингдек, баландлиги 33 метрдан 86 метргача бўлган мачта-

ларда алпинизм усулида ишловчи тажрибали мутахассис ва антенначи-мачтачи сифатидаги ноёб касб эгаси марказнинг Қўйтош, Жиззах, Чўпон-Ота, Тахтакарача, Нуробод ва Каттақўрғон радиотелевизион станцияларининг антенна-фидер тизимларини монтаж қилиш ишларида иштирок этган.

"Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телевидение тармоғини ривожлантириш" инвестицион лойиҳаси асосида Нуробод ва Каттақўрғон радиотелевизион станцияларида 2016 йил август ойида рақамли телеузатгич ускуналарини тест тартибда ишга тушириш учун телеузатгич, антенна-фидер қурилмалари, дизел генератор ва электр энергия таъминотларини монтаж қилиш ишларида тўлиқ қатнашиб, рақамли DVB-T2 форматда, яъни 18 теледас-тур ва 4 радио дастурни эфирга узатиб, ушбу туман аҳолисини телекўрсатувлар билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида Жиззах вилоятда жойлашган Қўйтош ва Жиззах радиотелевизион станцияларида ҳам монтаж ишлари якунига етказилиб, Жиззах вилояти аҳолиси телерадиода-стурлар билан таъминланди.

— Исмоилдин ёш бўлишига қарамаздан, ўзи билан бирга ишлайдиган тенгдошларини, амалиёт ўтаётган коллеж ва институт талабаларини янги технологиялар билан таништириб, уларни амалда ишлатишни ўргатиб келмоқда, — дейди биз билан сўхбатда Самарқанд радиотелевизион маркази директори Фурақат Разиқов.

Исмоилдин мактабда илк бора ҳарф ўргатган Гулсара

Алиқулова, академик лицейда илм берган Ором Ортиқов, ТАТУнинг ахборот технологиялари факултетинида унга техника сирлариндан таълим берган ўқитувчилар Олим Эшонқулов, Нодира Алимовани ҳамда кўп йиллар Чўпонота радиотелевизион станцияси цех бошлиғи бўлиб ишлаб, бугунги кунда кексалик тағини сураётган Абдуҳалим Обидовни, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК техник директори Маҳмуд Турсуновни ўзига устоз деб билса, бугунги кунда Чўпонота радиотелевизион станцияси цех бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Абдулазиз Шарипов, Қўйтош РТС бошлиғи Дилшод Махалбоев ҳамда Самарқанд радиотелевизион маркази техник эксплуатацияси бош мутахассиси Абдурафиқ Қариомовлар унинг иқтидорли шоғирдларидандир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси Самарқанд радиотелевизион маркази бош муҳандиси Исмоилдин Алиқулов фахрий ёрлик билан тақдирланганли.

Биз Исмоилдин Алиқуловни ушбу эътироф билан яна бир бор кўтлаб, вилоят аҳолисига рақамли телевидение сигналларини кеча-кундуз тарқатишдек эъгу ишлари йўлида ҳорманг, деймиз.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



Исмоилдин АЛИҚУЛОВ (ўртада) шоғирдлари билан.

Салом

(Детектив)

Д.ХОЛЛАНД

КЛУБ



“
Нюкомб завқ билан атрофга қаради. Унинг ички туйғуси панд бермаганга ўхшайди. Эркакларнинг барчаси бир хил кечки кўйлақларда, қимматбаҳо тақинчоқларга бурканган аёллар эса жозибадор эди. Тақинчоқлардаги битта тошнинг ўзи бир неча миллион туради. Умуман олганда, бу ерда уларни беҳисоб бойлик кутмоқда!”

— Сенга айтсам, — деди Жон Нюкомб Холлига синчков тикилиб, — бундан яхши жой топилмайди. Наҳотки, ўзинг тушунмайсан? Уйдан чиққан бу лимузинларга ўзинг бир қара. Бу ерда ҳатто бир неча “роллс-ройслар” ва “бентлейлар” турибди. Биласанми, улар қанча туради? Гапларимга эътибор бер, бу ерда қандайдир дабдабали қабуллар ўтказилса керак. Пулни пулга уриштирадиган ҳамёни тўла одамлар. Мана кўрасан, бизга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди ҳатто. Кетдик, ўз ишимизни қиладимиз ва буни ўша жойда нишонлаймиз. Ҳаммаси жуда ажойиб бўлади.

— Утган гал ҳам худди шундай дегандинг, — оғир хўрсинди Холли. У албатта бундай дабдабали машиналар эгалари ҳақиқатан ҳам жуда бой бўлишига шубҳага ўрин йўқлигини тушунади. — Майли, розиман, фақат бир шартим бор: револверингни машинада қолдирасан. Утган ҳафтадаги даҳшатли воқеа қайтарилишини истамайман. Ўшанда сен отиб қўйган қария ҳалиям кўз олдимда турибди.

— Нега тўсатдан бунчалик таъсирчан бўлиб қолдинг, — саркашлик қилди Жон. — Унинг ўттиз йил мобайнида чўнтакка-сарларни овлаган собиқ фиръавн эканлигини қайдан билибман? Ўзингдан фаришда ясашга ҳожаг йўқ. Эътибор бердим, ҳали у нафас олаётган ва омонатини Худога топшираётган бир пайтда сен бамайлихотир унинг ҳамёнини ўғирладинг, соати ва узугини ечиб олдинг.

Қиз жимгина бурилиб, деразага қаради.

— Майли, айблашни бас қил, кичкинтой. Шундай бўла қолсин, шу лангати револверни машинада қолдираман.

У қўлини ҳамроҳининг елкасига қўйиб, эркалай бошлади.

— Сўз бераман, бугунги оқшомимиздан сўнг бироз дам оламиз.

— Ресторанда шампан ва кечки овқат биланми? — дарҳол ўзига келди Холли.

— Нафақат ресторан. Балки, кўёшда тобланиш учун бирор жойга борармиз. Истасанг Гавайига кетамиз. У ерда бўлмаганимга ҳам юз йил бўлди.

Шундай дея Жон эшикни очиб машинадан тушди. У тезда машинани айланиб ўтиб, хушмуомалалик билан қизга қўл узатди.

Хизматкор бундай жамоага

тамомила нолойиқ бўлган янги меҳмонларга бироз ажабланиб қаради.

— Сизни мистер Уотсон номидан қутлашга ижозат беринг, — бечора бир зум сукутга чўмди, аммо дарров ноқулай вазиятдан чиқишнинг йўлини топди. — Маъзур тўтасиз, сэр, исмингизни унутиб қўйдим чоғи. “Вой-бу, — ўзича жилмайди Жон, — ҳатто озроқ қизариб кетди. Бундай хизматкорни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан. Уйлайманки, бу ерда қизиқарли бўлади”.

— Малколм ва Патрисия Визерспунлар, — киприк қоқмай ёлгон гапирди у ва ҳақиқий жентелмен сингари Холлини қўлидан олди.

Хизматкор уларни йиғирмата одамдан иборат меҳмонлар йиғилган катта залга олиб ўтди. Официантлар шампан билан бакаллар қўйилган патнисларни кўтарганча оломон орасида энгил чопишарди.

Нюкомб завқ билан атрофга қаради. Унинг ички туйғуси панд бермаганга ўхшайди. Эркакларнинг барчаси бир хил кечки кўйлақларда, қимматбаҳо тақинчоқларга бурканган аёллар эса жозибадор эди. Тақинчоқлардаги битта тошнинг ўзи бир неча миллион туради. Умуман олганда, бу ерда уларни беҳисоб бойлик кутмоқда!

Баъзилар Жон ва Холлига ажабланиб қараб қўйишди, лекин ҳеч нима бўлмагандек ўгирилишиб, яна суҳбатларини давом эттишга тушишди.

— Кўнглингизни ёзинг, сэр, — илтифот ила гапирди

хизматкор. У кекса жаноб, шубҳасиз, оқшом эгаси томон йўл олди ва унинг кулогига ниманидир шипшиб, янги келганлар тарафга бошини энгил чайқаб қўйди.

— Баҳслашишга тайёрман, — секин деди Жон ҳамроҳига, — у қарияга бизнинг исмингизни айтди. Уйлайманки, бу одам Уотсон.

Жон ҳақ бўлиб чиқди. Хизматкор залдан чиққанида қария улар олдига келди.

— Мистер Визерспун, вақт топиб ташриф буюрганнингиздан бағоят хурсанدمан, — Жонга қўл узатиб, Холлига илтифот ила қараб қўйarkan жилмайди у. — Дарвоқе, Хэнк Мастерсоннинг камтарона кечки овқатини биласизми?

— Хэнк сизнинг ажойиб уйингиз борлигини айтди ва у ҳақ экан, — мужмал жавоб берди Жон Нюкомб. У ўғри чигтак эди ва нозик саволларга қандай жавоб беришни биларди. Сўзини тасдиғи сифатида Жон деворга осилган гитлар ва эски расмларнинг суратларини кўрсатди.

— Нақадар гўзал! — Санъатнинг буюк билимдони эканлигингизни кўриб турибман, — жилмайди Уотсон. У соатига кўз ташлаб деди:

— Кечки овқат олтида. Агар сиз ва мафтункор аэлингиз менинг чап томонимда ўтирсангиз, хурсанд бўламан. Янги одамлар билан чақчақлашишни хуш кўраман. Бизга шундай гўзал инсонларни юборгани учун Хэнкка албатта миннатдорлик билдириб қўйиш керак.

Уотсон Жоннинг елкасига дўстона қоқиб қўйди ва бошқа меҳмонлар томон йўл олди. “Визерспун” энгил нафас олди. Афтидан, удаллади.

Уларни фош қилишолмади.

— Сенга нима дегандинг? — қувноқлик билан ҳамроҳининг кулогига шивирлади Жон. У ҳали улар билан суҳбатлашаётганда уй эгасининг бармоғидан осонгина ечиб олган айлана нақшли узукни сездирмай чўнтағига солиб қўйди.

— Негадир бу ер менга ёқмаяпти, Жон, — титради Холли. — Кел, кечки овқатга қолмайлик. Туйгуларим мени ҳеч қачон алламаган. Ҳозир у менга бу ердан жуфтакни ростлашимизни баралла айтаяпти... Анави кал бошли нухса мендан кўзини узмаяпти, худди сутта тикилган мушукдек. Кўринишини қара, менга ташланиб еб қўйишга шай тургандек. Эй худдо...

— Қизиқмисан, Холли! — Нюкомб кўзларини катта-катта очди. — Шундай вазиятни бой бериш! Шунча бойликни! Бундай имконият ҳаётда бир марта келади, сен эса кетмоқ-чисан. Биринчи синовдан ўтиб бўлди. Ҳаммаси жойида, тинчлан, — жилмайди у. — Биргалликда шампан билан кечки овқат қилишга сенга ваъда берганман ахир. Кўрдинг, сўзимда турибман.

Жон яқинидан ўтиб кетаётган официантни тўхтади ва патнисдан узун дастали иккига қалаёқ олди. — Бунга назар сол, орзуга айб йўқ, — шундай дея у қалаҳнинг бирини қизга узатди ва ёйилиб табассум қилди. — Бугун кўринишинг ажойиб, кичкинтой. Бу уйлаги энг лафозатли қиз сенсан.

(Давоми бор.)

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ таржимаси

ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

Эндрю Э.Хант

Шукрона

Яқинда хайрия жамғармасида беришган адёл уни иссиқ сақлар, бугун ахлат кутиси ичидан топиб олган пойабзал эса оёғига лойиқ келганди. Кўчадаги чироқлар совуқ тун бўлса-да унинг қалбини ёритиб турарди. Хиёбондаги ўриндиққа қулай жойлашиб олгани унга хузур бағишларди. “Худога шукр, — деди у, — ҳаёт нақадар гўзал!”

Брайан Ньюэлл

Иблиснинг устағи

Икки ўсмир иблиснинг аста-секин узоқлашиб бораётганини кузатиб туришарди. — Сендан нимани сўради? — Пул эвазига қалбимни. Сендан-чи? — Телефон-автомат учун танга сўради. — Юр, овқатланамиз. — Жон дердим-у пулим йўқ-да. — Ҳечқиси йўқ, менинг пулим кўп.

Жеффри Уитмор

Чоҳ

— Эҳтиёт бул, у ўқланган, — деди эркак ётоқхонага қайтиб кираркан. Аёл диванга суюнди. — Хотинингни шу билан ўлдирмоқчимсан? — Йўқ. Бу хавfli. Яхши-

си, қотил ёллайман.

— Балки мени сени ўлдир-иш учун ёллашгандир?

— Эркак ҳиринглади.

— Эрини ўлдириш учун аёл кишини ёллашга кимнинг ҳам ақли етарди?

— Аёл милтиқни эркакка ўқталди.

— Хотинингнинг.

ЭНГ НАМУНАЛИ ТАЛАБАЛАР ТУРАРЖОЙИ



Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2018 йилда ёшларга оид давлат сибсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда университет тураржойларида талабаларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, олиб борилаётган ишларни тартибга солиш, мавжуд камчиликларга барҳам бериш, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида "Энг намунали талабалар тураржойи" кўрик-танлови ўтказилган эди. Яқинда ушбу танлов ғолибларини тақдирлаш талбири бўлиб ўтди.

Талбирни Республика кенгаши раиси ўринбосари Анвар Аҳмедов очиб, барча талабаларнинг кўрик-танловда фаол қатнашганликларига алоҳида тўхталди. ТАТУ илмий ишлар бўйича проректори Ботир Усмонов университетнинг барча талабалар тураржойларида ёшлар учун зарур қўлайликлар яратиб берилаётганини таъкидлаб, бу каби кўрик-танловларга ҳомийлик кўрсатаётганлиги учун Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг номинация ғолибларига Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

Мирвоҳид ҲАЙДАРОВ,
Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

АКМда ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР

Бухоро вилоятидаги Ибн Сино номли АКМда "Ахборот-кутубхона муассасалари: ривожланиш истиқболлари" мавзuida семинар ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, АКМда истиқболли янги лойиҳалардан бири амалга оширилиб, унга мувофиқ вилоят ахборот-кутубхона марказининг buxorolib.uz веб-сайти ва телеграмм каналида ҳужжатларни электрон етказиб бериш (ЭДД) хизматлари ташкил этилган.

АКМ фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат: давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан АКМнинг buxorolib.uz расмий веб-сайтида "Янги адабиётларнинг электрон ва виртуал кўргазмалари" деб номланган руқн ташкил қилинди.

Семинарда сўзга чиққан АКМ директори С.Шаропов, ушбу зиё маскани ҳуқуқшуноси Т.Ғиёсов ва бошқалар ана шулар ҳусусида сўз юри-

тар эканлар, тингловчилар диққат-эътиборини Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунини мазмун-моҳиятига ҳам қаратдилар.

Семинар давомида, шунингдек электрон ресурсларни яратиш ва фойдаланувчиларга интерактив хизмат кўрсатиш, ахборот-кутубхона муассасаларида ҳужжатларни электрон етказиб бериш, замонавий кутубхона хизмати виртуал кўргазмаларини яратиш ҳамда веб-сайтга жойлаштириш, EBSCO XOST ва Россия давлат кутубхонаси маълумотлар базасидан фойдаланиш борасидаги янги технологиялар бўйича АКМ ходимлари томонидан берилган тегишли ахборотлар ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Семинар сўнгида тингловчилардан тушган саволларга ташкилотчилар томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

КОЛЛЕЖДА ЯНГИ МАРКАЗ

Фарғона алоқа касб-хунар коллежида педагогик жамоа ташаббуси билан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, инновацион ғоя, лойиҳа ва таклифларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

Марказ ёшларга илм-фаннинг юксак марраларини забт этиш, уларнинг иқтидорларини ўз-вақтида қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари етказиб бериш, ёшларнинг

инновацион ғоя, таклиф ва лойиҳаларини амалга ошириш борасида ташаббускорлик ҳамда ташкилотчилик намуналарини кўрсатяпти.

Ушбу марказ томонидан "Энг яхши инновацион ғоя ва лойиҳалар учун" кўрик-танлови эълон қилинди. Танлов ғолиби марказнинг 10 миллион сўм мукофот пулига сазовор бўлади. Бу эса ёшларни янгиликлар, ихтиролар яратишга ундаяпти.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ

ДАВРА СУҲБАТИ

МАЪНАВИЯТ — КАТТА КУЧ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тегишли топшириғи асосида вазирликнинг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан вилоятдаги соҳа корхоналарида фаоли-

ят кўрсатаётган раҳбар ходимлари иштирокида маънавий-маърифий давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида тарих фанлари доктори, профессор Фаня Аҳмедшина маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилишини

кучайтириш, диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият", ақдлапарастлик, миссионерликнинг зарарли оқибатлари ва дунёда рўй бераётган салбий воқеаларнинг асл мазмун-моҳияти ҳақида маъруза қилди.

Ўз мухбиримиз

ЭЪЛОНЛАР!

"TURON ADOLAT SAVDO" МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"NEFTGAZUSKUNAMONTAJ" унитар корхонасининг 2018 йил 29 майдаги 01.01-01.08/774-сонли буюртма хатига асосан қуйидаги асосий воситалар очик аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

№	Асосий воситанинг тавфиси (русуми ва ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	Трансформатор 250/10 (ёқки) 01.01.1975 й.	6 300 000
2	Тарқаткич шкафи ШР-0,4 (ёқки) 15.10.2008 й.	8 496 180
3	Тик бурғулаш машинаси ТИП 2А 135 (ёқки) 01.02.1997 й.	680 000
4	Силдиқлаш машинаси (ёқки) 01.05.1996 й.	340 000
5	Универсал токар машинаси М-95 (ёқки) 01.05.01996 й.	612 000
6	Тарқаткич шпиги ШР 11 450А (ёқки) 21.12.2012 й.	460 000
7	Вагон уй (ёқки) 01.01.1974 й.	1 400 000
Жами		18 290 000

Аукцион савдоси 2018 йил 16 июл куни соат 11.00да ташкилотнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2018 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2018 йилнинг 26 июл ва 6, 16 август кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "Turon Adolat Savdo" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк" Бухоро филиалида очилган қуйидаги ҳисоб-рақамга тулашлари шарт: х/р: 20208000500634320001, МФО: 00111, СТИР: 304107677.

Қўшимча маълумотлар учун "Turon Adolat Savdo" МЧЖ манзили: Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчаси 42-уй. Телефонлар: 338-38-86. Гувоҳнома: 487

Вводятся с 1 июля 2018 г. новые тарифы по Прейскуранту №125-1/3 на услуги телекоммуникаций, оказываемые оператором специальной связи.

ГУП "Республиканский узел специальной связи"

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2017 йилда Бехзод Набиев номига берилган 22419-17 рақамли талабали гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ЯХШИЛИКЛАР ИЧРА ЯШАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

Деярли бир ой давомида одамларни эзгуликка, меҳр-оқибатга, саховатга чорлаб турган, боқий дунё учун кўплаб ажрлар тўпланишига олиб келадиган муқаддас Рамазон ойи тугаб, Рамазон ҳайити кунига ҳам етиб келдик.

Ўтган мана шу фарахбахш ой халқимиз маънавий ҳаётида энг гўзал, баракотли онлар бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, муқаддас Рамазонда одамларимиз янада сахий, янада меҳрибон, янада оқибатли бўлишга ҳаракат қилишди. Маҳалларда, қишлоқ ва туманларда кам таъминотли оилалар аҳолидан хабар олиниб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланди, беморларга дори-дармондан ёрдам берилди. Бу элга ошкор бўлган эзгу ишларнинг бир қисми, холос. Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳадисларига амал қилиб, “ўнг қўли қилган эҳсонини чап қўлидан яшираётганлар” янада кўпроқ, иншааллох.

Муқаддас Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити байрами бу йил жума кунига тўғри келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 11 июндаги “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қароридан, жумладан, халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг акралмас бир қисми бўлган, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини яққол ифода этадиган Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат ва шукроналик туйғулларини кучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний фазилатларни камол топтиришга катта эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида уқтирилиб, қатор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур қарор қабул қилинган куннинг эртасигаёқ Юртбошимиз томонидан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва туза-

лиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармон имзолангани ва унга мувофиқ юртимизда биринчи марта муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаронинг афв этилгани юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос баркиренлик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг муборак Рамазон ойида янада юксак намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Ҳа, юртимизда меҳру оқибат, ҳурмат ва саховатпешалик, халқ розилиги ва ишончига сазовор бўлиш каби эзгу амаллар ҳуқумат эътибори даражасига кўтарилган экан, қўлимиздан келганича бошқаларга яхшилик қилиш ҳар биримизнинг доимий олатимизга айлансин. Кимгадир кўмак бериш қўлимиздан келмаса, ҳеч бўлмаганда ўтаётган кунларимиздан шукроналикда табассум билан умргузаронлик қилайлик. Донолардан бирининг айтишича, табассум ажойиб дори: уни дўстингизга берсангиз хурсанд, душманингизга берсангиз хафа бўлади, ота-онангизга самимий, меҳрли табассум билан боқсангиз, уларнинг умри узаяди.

Зеро, яхшиликлар ичра яшаганга нима етсин!

Муборак МИРКАМОЛОВА

Фақат биргина

Х аёт сир-синаотларга тўла. Биргина дарахт қалин ўрмонларни бошлаб бера олгани каби, биргина кечирим ришталарни қайта боғлаши, биргина ширин сўз синиқ кўнгилларни шод этиши, биргина табассум бирор нохушликни батараф этиши, биргина узра аламзада қалбларни юмшатиши, биргина самимий салом муҳаббат уйғотиши, биргина сукут минглаб кўнгилсизликларнинг олдини олиши, биргина яхшилик эса жаннатта элтиши мумкин. Буни унутман!



• Реклама

"Ўзбектелеком" АҚ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ жамоаси

Азиз юртдошларимизни **РАМАЗОН ҲАЙИТИ (Ийд ал-Фитр)** билан самимий муборакбоғ этади.

Хонадонингиздан кут-барока, меҳр-оқибат аримасин. Қалбингиз имон нурлари билан тўлсин!

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоסי келишилган нархда.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.</p> <p>Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78</p> <p>Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.</p> <p>Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.</p> <p>ISSN 2010-6424</p>		
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-643 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.</p> <p>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Алади: 3388 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00.</p> <p>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>
<p>Июлят ухбирлари: Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>				